

МАМЛАКАТИМИЗНИ ДЕМОКРАТИК ЯНГИЛАШ ВА МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШГА ҚАРАТИЛГАН ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИМИЗНИ ҚАТЪИЯТ БИЛАН ДАВОМ ЭТТИРИШ — БОШ МАҚСАДИМИЗДИР

Президент Ислон Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 22 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси

Қадри дўстлар!
Муҳтарам юртдошлар!
Шу кунларда Ватанимиз учун мустақил, эркин ҳаёт кечириш, уни тараққий топган демократик давлатлар қаторига кўтариш йўлининг асосий принцип ва қоидаларини муҳрлаб берган Ўзбекистон Республикаси Конституциясини қабул қилганимизнинг 22 йиллигини байрамона нишонламоқдамиз.

Тарихимизда чуқур из қолдирган ана шу буюк сана билан сиз, азизларни, сизларнинг тимсолингизда бутун халқимизни чин қалбимдан самимий табриклаш, барча-барчангизга чуқур ҳурмат-эҳтиромимни изҳор этиш мен учун катта бахтдир.

Конституциямизда белгилаб берилган асосий мақсадларимиз барчамизга яхши маълум. Яъни, Бош қомусимиз бозор иқтисодиётига асосланган мустақил демократик давлат қуриш, инсон манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларни, қонун устуворлиги ва мамлакатимиз барча фуқаролари учун қонун олдида тенглик

тамойили таъминланадиган фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг мустаҳкам пойдеворини яратиб берди.

Собиқ Иттифок, СССР деган империя пароканда бўлиб, тарқалиб кетганидан сўнг, ўта таҳликали бир замонда биз "шок терапияси" каби моделларнинг номақбул шаклларида бутунлай воз кечганимиз — шуни таъкидлашимиз зарур — ўта муҳим ва ҳал қилувчи қадам бўлди.

Ўзбекистонимизга мос тарихий, миллий, анъанавий ва иқтисодий вазият ва хусусиятларни инобатга олмасдан туриб, "бозор иқтисодиётининг шиддатли гирдобига ўзингни ташласанг, унинг ўзи кўзланган манзилга олиб чиқади" деган хом-хаёллардан бутунлай воз кечдик. Ва бугунги кунда бутун дунёда тан олинган, "Ўзбек модели" деб ном олган жамиятимизни тубдан ислоҳ этиш, эркинлаштириш, демократик янги давлат қуриш, уни модернизация қилиш бўйича пухта ўйланган тараққиёт йўлимизни танлаб олдик.

Тақдиримиз ҳал бўлаётган ўша оғир пайтда қанча сохта дохийлар майдонга чиққани, қандай кескин тортишувлар бўлгани, тазйиқ ва зўравонлик ишлатилгани, ёш давлатимиз кемасини ағдаришга турли уринишлар содир этилгани сизларга яхши маълум, деб ўйлайман.

Лекин бундай уринишлар, ҳаракат ва хуржларнинг пучга чиққанини, биз танлаган тараққиёт стратегиясининг нақадар тўғри бўлганини ҳаётнинг ўзи яна ва яна бир бор тасдиқлаб бермоқда.

Шу фурсатдан фойдаланиб, сиз, азизлар, сизларнинг тимсолингизда бутун халқимиз айнан ўзимизга хос, ўзимизга мос бўлган, "Ўзбек модели" деб эътироф этилган ривожланиш йўлимизни кенг қўллаб-қувватлагани учун яна бир бор ўзимнинг чуқур миннатдорлигимни билдириш, сизларнинг олдингизда, эл-юртимиз олдида таъзим қилишни ўзим учун ҳам қарз, ҳам фарз, деб биламан.

(Давоми 2—3-, 4—5-бетларда.)

ОЗОД ВА ФАРОВОН ҲАЁТИМИЗНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

"Ўзбекистон" халқаро анжуманлар саройида 5 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кунининг йигирма икки йиллигига бағишланган тантанали ййгилиш бўлиб ўтди. Унда давлат ва жамоат арбоблари, фан, маданият ва санъат намояндалари, пойтахт жамоатчилиги, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган хорижий давлатларнинг элчихоналари ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналари вакиллари иштирок этди.

Ййгилишни Тошкент шаҳар ҳокими Р.Усмонов очди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат маҳияси янгради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов тантанали ййгилишда маъруза қилди.

(Давоми 6-бетда.)

«КОНСТИТУЦИЯ АЛИФБОСИ»

**одобнома дарсида қандай
интеграциялаштирилади?**



Фанлар интеграциялаб ўқитилганда мавзунинг ҳаётини тушунириш имкони кенгайди.

8—9-бетлар

«ЎЗБЕКИСТОН БЕЛГИСИ» —

ЭЪТИБОР ВА ИШОНЧ ИФОДАСИ

«Туркистон» саройида юртимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этиб, намуна кўрсатётган бир гуруҳ ёшларга «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишонини тантанали топшириш маросими бўлиб ўтди.



10-бет

ВАТАНИМИЗНИНГ ЮКСАК МУКОФОТЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Президентимиз Ислон Каримов 5 декабрь куни Оқсаройда бир гуруҳ юртдошларимизга Ватанимизнинг юксак мукофотларини топширди

Давлатимиз раҳбарининг фармонларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 23 йиллиги арафасида мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтириш ва ислохотларни муваффақиятли амалга оширишга катта ҳисса қўшган, эл-юртимиз тинчлиги ва осойишталигини янада мустаҳкамлашда фидойилик кўрсатган, жамиятимизнинг ижтимоий-иқтисодий, илмий-техник ва маънавий-маърифий ҳаётида алоҳида эътиборга сазовор бўлган бир гуруҳ юртдошларимиз давлат мукофотлари — фахрий унвонлар, орден ва медаллар билан тақдирланган эди.

Оқсаройда 5 декабрь куни ана шу юксак мукофотларни

тантанали топшириш маросими бўлди.

— Авваламбор, сиз, азизлар билан бугун мана шундай яхши кайфиятда шу муҳташам залда кўришганимдан, сизларга ўзимнинг юксак ҳурмат-эҳтиромимни изҳор этишдан хурсандман, — деди Ислон Каримов. — Сизларга маълумки, одатга айланб қолган аънамага кўра, ҳар йили Конституция куни арафасида Ватанимизнинг юксак унвон, орден ва медалларига сазовор бўлган юртдошларимиз билан учрашиб, уларни шу буюк сана билан табриклаш, ана шу мукофотларни топширишни ўзим учун ҳақиқатан ҳам катта шараф, деб биламан.

Шу билан бирга, сиз, азизлар қатори давлат мукофотла-

ри билан тақдирланган барча ватандошларимни ғойибона бўлса ҳам бағримга босиб, муборокабод этиш менга чуқур мамнуният етказди, қувончимга қувонч бағишлайди.

Биз жаҳондаги энг ривожланган давлатлар қаторига кириш, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш, халқаро майдонда Ватанимизнинг обрў-эътиборини юксалтириш каби олий мақсадларни ўз олдимизга қўйганмиз. Ана шу йўлда барчамиз бир ёқадан бош чиқариб, белимизни маҳкам боғлаб, олдимизга қўйган вазифаларни амалга ошириш, марраларни эгаллашга барча кучимизни сафарбар қилишга интилоқдамиз, деди Президентимиз.

(Давоми 6-бетда.)

МАМЛАКАТИМИЗНИ ДЕМОКРАТИК ЯНГИЛАШ ВА ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИМИЗНИ ҚАТЪИЯТ БИЛАН

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Биз танлаган ва машхур беш таомилга асосланган тараққиёт моделининг нақадар ҳаққоний ва самарали экани биз кураётган янги демократик тизимда, иқтисодий-тимиз ривожланишининг барқарор, барчани ҳайратда қолдираётган суръатларида, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва сифати ортиб бораётганида ўзининг амалий тасдиғини топмоқда.

Ўтган даврда биз дуч келган оғир синов ва муаммоларга қарамасдан, мустақиллик йилларида Ўзбекистон иқтисодийёти қарийб 5 баробар, аҳоли даромадлари жон бошига ўртача 8,7 баробар ўсганини, мамлакатимиз аҳолиси бу даврда 1,5 марта кўпайиб, 2015 йилнинг 1 январидан 31 миллион 500 минг кишини ташкил этишини инobatга оладиган бўлсак, бундай улкан натижаларга эришганимизни, очигини айтганда, баъзан тасаввур қилишининг ўзи ҳам кийин.

Бугунги кунда мамлакатимизнинг ташқи қарзи ялпи ички маҳсулотга нисбатан 15 фоиздан ошмаслиги, ички қарзимиз умуман йўқлиги, экспорт ҳажми, олтин-валюта захиралимиз барқарор суратлар билан ошиб бораётганида ҳам эришган улкан натижаларимиз исботини кўриш, кузатиш кийин эмас.

Жаҳон миқёсидаги глобал иқтисодий инқироз ҳали-бери давом этаётганига қарамасдан, дунёнинг санокли давлатлари қаторида Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг йиллик ўсиш суръатлари сўнгги 10 йил давомида 8 фоиздан зиёд бўлиб келмоқда. Янги — 2015 йилда ҳам ана шундай юксак ўсиш суръатлари кўзда тутилмоқда.

Қадрили ватандошларим!

Мамлакатимизда амалга оширилаётган оламшумул ўзгаришлар, шаҳар ва қишлоқларимизнинг қиёфаси тобора чиroy очиб, аҳолимизнинг фаровонлиги юксалиб бораётгани ҳақида гапирганда, бундай янгилашниларнинг гоят муҳим манбалари — аввало, одамларимизнинг онгу тафаккури, дунёқараши ва кайфияти тубдан ўзгариб, уларнинг ён-атрофимизда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларга дахлдорлик ҳисси, эртанги кунга муносабати ва ишончи тобора мустаҳкамланиб, сиёсий савияси ва ҳуқуқий маданияти ўсиб бораётгани ҳақида алоҳида тўхталишни ўринли деб биламан.

Шулар ҳақида сўз юритар эканмиз, биз бундан 17 йил олдин қабул қилган, қўлга киритаётган барча ютуқ ва марраларимизнинг омили ва замини бўлган, ҳаммамизни, аввало, болаларимизнинг онгу тафаккурини, ҳаётга бўлган муносабатини тубдан ўзгартирган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва истиқболли мактаб дастури ҳақида алоҳида тўхталиб ўтишимиз зарур, деб ўйлайман.

Эски тизимнинг қолип ва ақидаларидан холи бўлган, мустақил фикрлайдиган ва ҳаётга қарайдиган, Ватанимиз тақдири ва келажаги учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир куч сифатида майдонга чиқаётган бугунги ёш авлодимиз аини шу дастурларнинг, биз амалга ошираётган тарбиявий ишларимизнинг

маҳсули, десам, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Азиз юртдошлар, эсингизда бўлса керак, бу дастурни қабул қилаётган пайтда биз вақти-соати келиб у албатта ижобий маънодаги "портлаш эффекти"га сабаб бўлади, деб ишонч билдирган эдик. Минг шукрки, ҳақиқатан ҳам, ҳаётимизни бутунлай ўзгартирган мана шундай дастуримизнинг, унда мужассам бўлган эзгу мақсадларимизнинг рўйбга чиққанини кўриш бизга насиб этди ва бу барчамизга катта ғурур ва хурсандчилик бағишлаб, кўнглимизни тоғдек кўтарди, эртанги кунга бўлган ишончимизни янада мустаҳкамлайди.

Муҳтарам дўстлар!

Жаҳон тарихи барчамизга бир ҳақиқатни доимо эслатиб туради — ҳаётимиз тараққиёти ҳеч қачон бир жойда тўхтаб турмайди, худди шу каби жамиятимизни ислоҳ этиш ва демократлаштириш, мамлакатни модернизация қилиш ва янгилаш бир муддатлик иш эмас, балки мунтазам давом этадиган узлуксиз жараёндир.

Айниқса, бугун биз XXI асрда — интеллектуал меҳнат билрамчи аҳамият касб этаётган глобаллашув ва интернет асрида яшаётганимизни ҳисобга оладиган бўлсак, жаҳон бозорида рақобат курашининг миқёси ва кескинлиги тобора ортиб бораётгани бу ҳақиқатни яна тасдиқлаб бермоқда.

Бундан қандай хулоса чиқариш керак?

Жавоб битта: бундай шароитда фақат эришган ютуқлари билан чеklangиб қолмасдан, жадал ўзгариб бораётган давр билан ҳамнафас бўлиб қадам ташлайдиган мамлакатгина ўз эзгу мақсадларига эришиши мумкин.

Ҳаётнинг ана шундай қатъий талабини қайд этган ҳолда, **биз танлаган мақсад, яъни тараққиёт топан давлатлар қаторига кириш, халқимиз ва келажақ авлодимиз учун муносиб ҳаёт даражаси ва сифатини таъминлаш, халқаро ҳамжамиятда юксак обрў-эътиборга сазовор бўлиш йўлида биз амалга оширган ишларимиз эзгу ниятларимизга эришининг фақатгина бир қисми эканини англаб олишимиз даркор.**

Шунинг учун ҳам қўлга киритилган ютуқлар билан чегараланмасдан, хотиржамлик ва ҳаволаниш кайфиятига берилмаслигимиз, аксинча, янги марралар сари интилишимиз, доимо изланиб яшашимиз, тараққиёт ва янгилаш йўлидан изчиллик билан янада илгарилаб боришимиз зарур.

Ана шу фикр ва хулосалардан келиб чиққан ҳолда, 2010 йилнинг ноябрь ойида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қўшма ййигилишида **Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини, бошқача қилиб айтганда, ўзимизнинг узоқ ва давомли муддатга мўлжалланган стратегиямизни қабул қилдик, десак, аини ҳақиқатни айтган бўламиз.**

Ўтган давр мобайнида Концепцияда белгилаб берилган 27 та қонун, ўнлаб меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар

қабул қилиниб, ҳаётимизга татбиқ этилмоқда.

Шулар қаторида, аввало, ҳар қандай демократиянинг асосий шарти бўлиши ҳокимиятлар бўлинишининг конституциявий принципи асосида туб демократик ўзгаришларни чуқурлаштириш бўйича ўзининг қўлами ва маъно-мазмунига кўра улкан ишлар амалга оширилди. Натижада Конституциямизга давлат ҳокимиятининг асосий субъектлари — мамлакат Президенти, парламенти, ҳукумати ва суд ҳокимияти ўртасида ваколатлар тақсимотини оптималлаштиришнинг таъминлашга қаратилган тузатиш ва ўзгаришлар киритилди.

Ушбу тузатишлар ва улар асосида қабул қилинган қонунлар давлат ҳокимияти органлари тизимида Олий Мажлисининг роли ва аҳамиятини сезиларли даражада кучайтирди, давлатимизнинг ички ва ташқи сиёсатини шакллантириш ва амалга оширишда мамлакатимиз олий қонунчилик органининг имкониятларини кенгайтирди. Шу билан бирга, Вазирлар Маҳкамаси, ижро ҳокимияти органлари фаолиятини ташкил этишининг принциплари ва тартиби ўзгаририлди, ҳукуматнинг ваколатлари янада кенгайтирилди, унинг парламент олдида, жойлардаги давлат бошқаруви органларининг Халқ депутатлари кенгашлари олдидаги масъулияти оширилди.

Конституциявий қонунчиликка Бош вазир лавозимига номзодни Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасида энг кўп депутатлик ўрнини олган сиёсий партия томонидан тақлиф этилиши каби муҳим институтлар киритилди.

Конституцияда парламентнинг ҳукуматга нисбатан ишонсизлик вотумини билдириш ҳуқуқи, барча ҳокимият тармоқларининг ҳуқуқлари тенглиги ва мутаносиблигини таъминлашга қаратилган бошқа кўплаб қонунларга аниқлик киритилди.

Бош қомусимизда парламент ва жамоатчилик нazorati институти, уни амалга ошириш механизmlарининг мустаҳкамлангани ҳам ҳокимиятни демократик модернизация қилишда улкан аҳамият касб этди.

Сиёсий партияларнинг етуқлик даражаси, фуқароларимизнинг ҳуқуқий онги, сиёсий ва ҳуқуқий маданияти тобора юксалиб бораётгани, ҳеч шубҳасиз, ушбу конституциявий ислохотларнинг энг муҳим асоси, уларни амалга оширишнинг ҳал қилувчи шарти ва гаровига айланмоқда.

Дастлабки тергов ва суриштирув жараёнида фуқароларнинг процессуал ҳуқуқларига риоя этилиши устидан суд назоратини кучайтиришга доир комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди. Судда жиноий ишларни кўриб чиқишда қонунчилик, адолатни таъминлашнинг ушбу самарали механизмини изчил ривожлантирган ҳолда, "Хабеас корпус" институтини қўллаш доираси кенгайтирилди.

Илгари бу институт фақат қамоқда сақлаш каби процессуал мажбурият чораларига нисбатан қўлланганини эслатиб ўтмоқчиман. Эндиликда шахсни лавозимдан четлаштириш ва тиббий муассасага жойлаштириш ҳам фақат судьянинг санкцияси асосида амалга оширилиши мумкин.

Умумий юрисдикция судларининг таркибий тузилмаси ва фаолиятининг ташкилий асосларини такомиллаштириш, уларнинг кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш, суд ходимларини ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга доир чора-тадбирлар ҳам муҳим аҳамият касб этди. Ишларни кўриб чиқиш сифатини ошириш ва муддатларини қисқартириш мақсадида фуқаролик судлари сони кўпайтирилди, судья лавозимига номзодларга қўйиладиган талаблар кучайтирилди.

Ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, сўз ва ахборот эркинлигини таъминлаш бўйича амалга оширилган демократик ўзгаришлар фуқароларнинг ахборот олиш ва уни тарқатиш борасидаги ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, оммавий ахборот воситаларининг мустақиллигини мустаҳкамлашга, мамлакатни демократлаштириш жараёнида уларнинг ролини оширишга хизмат қилмоқда.

Кенг миқёсда ўтказилган ҳуқуқий тажриба якунлари асосида жорий 2014 йилда қабул қилинган, халқаро экспертлар ҳамжамиятида катта қизиқиш уйғотган ва юксак баҳоланган "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида"ги қонун, ҳеч шубҳасиз, қабул қилинаётган қарорлар сифати учун ҳокимият ва бошқарув органлари масъулиятини оширганини таъкидлашни истардим.

Юртимизда оммавий ахборот воситалари сони жадал ўсиб бормоқда. Бугунги кунда уларнинг сони 1991 йилга нисбатан 3,5 баробар, жумладан, газеталар 2,5 марта, журналлар эса 3,5 карра кўпайди.

Сайлов тизимини шакллантириш ва ривожлантириш соҳасида ҳам чуқур демократик ўзгаришлар амалга оширилди.

Асосий қонунимизнинг 117-моддасига киритилган сўнгги тузатишларга мувофиқ, Марказий сайлов комиссиясини демократик асосда шакллантириш тизими ва шунингдек, унинг асосий фаолият принциплари конституциявий жиҳатдан мустаҳкамланди, ҳокимиятнинг вакиллик органларига сайловларни ташкил этиш учун масъул бўлган сайлов органларининг бутун тизими мустақиллигининг кафолатлари кучайтирилди.

Ишончим комил, сайлов қонунчилигига киритилган, сайлаш эркинлиги ва ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириш борасидаги конституциявий таъминлашга қаратилган ана шундай ва бошқа қатор ўзгариш ва қўшимчалар шу йил 21 декабрь кун Олий Мажлисга ҳамда маҳаллий кенгашларга бўлиб ўтадиган депутатлар сайловини Конституциямиз ва сайлов қонунчилиги ва ўз ўзидан равшанки, халқаро демократик қонунчилик талабларига тўла мос тарзда ўтказиш имконини беради. Бунга ҳеч қандай шубҳа бўлмаслиги керак.

Сўнгги йилларда қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар нодавлат нотижорат ташкилотларини рўйхатга олиш, уларнинг фаолиятини ташкил этиш тартибини тубдан соддалаштиришни таъминлади, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштирди.

МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШГА ҚАРАТИЛГАН ДАВОМ ЭТТИРИШ – БОШ МАҚСАДИМИЗДИР

Фуқароларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш, уларнинг сиёсий оғи ва тафаккурини юксалтириш, ёшлар ва хотин-қизлар билан ишлаш, ишга жойлаштириш, аҳолининг ёрдамга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлаш ва бошқа соҳаларда уларнинг роли янада ошди.

Бугунги кунда мамлакатимизда жамиятимиз ҳаётининг турли соҳаларида 8 минг 100 дан зиёд нодавлат нотижорат ташкилоти фаолият кўрсатмоқда. Бу 2010 йилга нисбатан 1,6 марта кўпдир.

Иқтисодиётни демократлаштириш ва эркинлаштириш соҳасига, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашнинг самарали механизмларини яратишга алоҳида эътибор қаратилди. "Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида", "Рақобат тўғрисида", янги таҳрирдаги "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун зарур рухсат бериш тартиб-таомилларининг рўйхати ва турлари изчил қисқартирилди.

Кейинги йилларда рухсат беришга оид тартиб-таомилларнинг 160 дан ортиғи ёки 44 фоизи, лицензиялаш талаб қилинадиган фаолиятнинг 19 тури ёки 25 фоизи бекор қилинганини айтишнинг ўзи kifoya, деб ўйлайман. Тадбиркорлик субъектлари томонидан давлат органларига тақдим этиладиган статистика, солиқ ва молиявий ҳисоботларнинг шакли ва даврийлиги 1,5-2 марта камайтирилди.

Тадбиркорликнинг миллий аъёна ва урф-одатларимизга тўла мос келадиган янги шакли — оилавий бизнесни ривожлантириш учун кенг шарт-шароитлар яратилди.

Хурматли мажлис қатнашчилари! Бугунги кунда дунёда содир бўлаётган воқеаларни ҳолисона баҳолаб эканмиз, кескинлик ва хавф-хатарларнинг тобора ўсиб, геосиёсий қарама-қаршиликлар, ўз таъсир доирасини кенгайтиришга қаратилган курашнинг кучайиб бораётгани, радикализм, терроризм ва экстремизм каби таҳдидлар бизни ташвишга солмасдан қўймайди, албатта.

Глобал маконда молиявий-иқтисодий инқироз ҳамон давом этаётгани, товар бозорларида талабнинг кескин камайиб бораётгани ва конъюнктуранинг беқарорлиги кўпгина давлатларда иқтисодий ўсиш суръатларининг пасайишига, инвестиция фаоллигининг сустайиши ва четга капитал чиқиб кетишининг кучайишига олиб келмоқда.

Мана шундай кескинлашув ва жаҳон бозоридagi ноаниқ вазият кейинги йилларда ҳам давом этиши мумкин. Ўз-ўзидан аёнки, қўтилаётган барча салбий ҳолатларнинг олдини олиш, уларни бартараф қилиш учун барчамиздан ҳушёрлик, сезгирлик, сафарбарлик ва режаларимизга, аввало, **Мамлакатимизда демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш талаб қилинади.**

Бугунги кунда яқин ва узоқ атрофимизда, бутун жаҳон миқёсида сиёсий, иқтисодий вазият тобора кес-

кинлашиб бораётганини инобатга олган ҳолда, энг муҳим устувор вазифаларимиз қаторида **иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил чуқурлаштириш, ишлаб чиқаришни узлуксиз техник ва технологик янгиллаб бориш, замонавий ахборот-коммуникация тизимларини кенг жорий этиш**ни асосий мақсадимиз сифатида кўришимиз керак.

Албатта, Ўзбекистонда мустақил тараққиётимизнинг дастлабки кунларидан бошлаб ишлаб чиқаришни таркибий янгиллаш, уни замонавий ва юқори технологиялар асосида жадвал ривожлантириш масаласига жиддий эътибор қаратилганини қайд этиш ўринлидир.

Биз учун мутлақо янги бўлган тармоқлар ва юқори технологияларга асосланган ишлаб чиқариш корхоналари бутунлай янгитдан ташкил этилди. Хозирги кунда бу корхоналарнинг тайёр маҳсулотлари жаҳон бозорида муносиб ўрин эгалламоқда.

Бу борада гап автомобилсозлик саноати, жумладан, енгил автомобиллар, юк ва махсус машиналар, двигателлар ва асосий бутловчи қисмлар ишлаб чиқариш ҳақида, шунингдек, янги моделдаги хорижий техникаларни ўзлаштириш негизига замонавий қишлоқ ҳўжалиги машинасозлиги, нефть-кимё ва нефть-газ саноатини ривожлантириш, темир йўл вагонлари, маийшй электроника, фармацевтика ва микробиология тармоқлари ҳақида бормоқда.

Айнан туб таркибий ўзгаришлар, юқори технологияларга асосланган янги ва замонавий корхоналарни барпо этиш, фаолият кўрсатаётган ишлаб чиқариш қувватларини кенг миқёсда янгиллаш ва модернизация қилиш борасида пухта ўйланган стратегия туфайли мамлакатимизнинг ялпи ички маҳсулотига саноатнинг улуши 1991 йилдаги 14 фоиздан бугунги кунда қарийб 25 фоизга ўсди. Айни пайтда қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқаришининг улуши 34 фоиздан 17 фоизга камайди.

Ҳеч шубҳасиз, биз бу ишларни асло сусайтирмаслигимиз, инвестиция сиёсати ва дастурларимизни ҳам ана шу мақсадларга мос ҳолда амалга оширишимиз даркор.

Ишлаб чиқараётган маҳсулотларни бугун халқро бозорда, эртага эса ички бозорда ҳеч қандай қизиқиш уйғотмайдиган эски ишлаб чиқариш қувватларидан воз кечиш, иқтисодий тараққиётимизнинг локомотивлари бўлган замонавий корхоналар ва юқори технологияларга асосланган комплексларни барпо этиш билан бирга, етакчи тармоқ ва зарур инфратузилмаларни модернизация қилиш бўйича чуқур ва пухта ўйланган дастурларни изчил амалга ошириш керак.

Бизнинг жаҳон экспорт бозорига мустаҳкам ўрин олишимиз учун, мамлакатимизда молиявий ва иқтисодий барқарорликни, аҳолининг турмуш даражаси ва сифатини таъминлаш учун ишончли замин яратиб берадиган, бугун ҳаётнинг ўзи талаб қилаётган энг зарур сиёсат ана шундан иборат.

Бир сўз билан айтганда — сифати паст, нархи баланд маҳсулотга йўл қўймаслик керак.

Бизнинг эътиборимиз марказида туриши керак бўлган энг муҳим масалалардан яна бири — **бу Конституциямизга мувофиқ кўп тармоқли иқтисодиётимизнинг устувор соҳалари бўлиши хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликни тез суръатлар билан ривожлантириш йўлидан барча ғов ва тўсиқларни йўқ қилиш, уларнинг эркинлигини таъминлашдир.**

Хозирги вақтда айни мана шундай ўта долзарб масаланинг кун тартибига кескин қўйилиши, ҳеч шубҳасиз, шу залда ўтирган мулкдорлар, кичик бизнес эгалари ва хусусий тадбиркорлар, умуман, бутун халқимизнинг руҳини кўтаришга, **эртанги кунга янада катта ишонч билан қарашига асос беради**, десам, сизлар бунга қандай қарайсиз?

Ўтган йиллар давомида хусусий мулк ва инвестициялар дахлсизлигини ҳимоя қилишга қаратилган ишончли меъёрий-ҳуқуқий асослар яратиш, хусусий мулкдорлар учун зарур шароит ва кафолатлар тўғдириб бериш бўйича кўп ишлар қилинди.

Шу йиллар мобайнида иқтисодиётимизнинг турли тармоқларидаги давлат мулки ҳисобланган — шунга эътибор беринг — 31 мингдан зиёд корхона хусусий мулкдорлар ва акциядорлар ихтиёрига берилди.

Қишлоқ ҳўжалиги, савдо, хизмат турларининг барчаси ва бошқа кўпга таъминловчи деярли тўлиқ хусусий мулк соҳасига ўтказилди.

Халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқараётган тўқимачилик, трикотаж, чарм-пойабзал, озиқ-овқат, фармацевтика, меъбел саноати, уй-жой секторига давлат мулкнинг улуши кескин камайди.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишнинг айнан ана шундай соҳа ва тармоқларидан ўсиш суръатлари ва меҳнат унумдорлиги бошқа тармоқларга қараганда барқарор равишда юқори бўлиб келмоқда.

Хусусий секторнинг улуши ахборот-коммуникация технологиялари ва хизматлари, мобил алоқа тармоқлари, қурилиш ишлари ва бошқа соҳаларда ҳам юқоридир. Бу эса, ўз навбатида, кўп нарсадан далolat беради.

Шундан яна бир хулоса чиқиши даркор. Яъни, **биз иқтисодиётимизда давлатнинг улуши ва ўрни қандай бўлишини танқидий кўз билан баҳолаб, уни стратегик ҳамда иқтисодий асосланган даражага қадар қисқартиришимиз лозим.**

Бу борада маъмурий-буйруқбозлик тизимининг ҳамон сақланиб қолаётган ҳар қандай шаклларидан воз кечиб, давлат органлари, бизнес ва хусусий сектор ўртасидаги вазифаларни аниқ белгилаб қўйишимиз, савдо операцияларини асосан биржа орқали амалга ошириш тизимига ўтишимиз зарур.

Корпоратив ёки акциядорлик биршакллар фаолияти самардорлигини танқидий баҳолаш ҳам фойда жиддий эътиборни талаб қилмоқда. Ривожланган давлатларда, айниқса, саноат ишлаб чиқариш соҳасида, мулкчиликнинг ана шу шакли асосий ўрин эгаллайди.

Бу борадаги амалий тажрибамиз шуни кўрсатдики, Ўзбекис-

тонда маҳаллий акциядорлар билан бирга чет эллик инвесторларнинг ҳам акцияларга эга бўлаётгани мулкчиликнинг энг мақбул ва ўзини оқлаётган шаклидир.

Хозирги вақтда юртимизда 90 дан ортиқ мамлакатнинг хорижий капитали иштирокида ташкил этилган 4 мингдан зиёд корхона муваффақиятли фаолият юритмоқда.

Бундай самарали лойиҳалар ҳақида гапирганда, машинасозлик соҳасида АҚШнинг "Женерал моторс", Германиянинг "МАН", "Класас", Япониянинг "Исузу" компаниялари, нефть-газ соҳасида Жанубий Кореянинг "Лотте кемикал" ва "Когас" компаниялари, кимё саноатида Испаниянинг "Максам" компанияси, тўқимачилик саноатида Сингапурнинг "Индорама", Жанубий Кореянинг "Дэу текстил", "Янг вон", Швейцариянинг "Ритер" компаниялари, ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида Хитойнинг "Хуавей" ва "ЗТЕ", озиқ-овқат саноатида Швейцариянинг "Нестле" компанияси, қурилиш материаллари ишлаб чиқаришда Германиянинг "Кнауф", Хитойнинг "Пенг Шенг", фармацевтика саноатида Швейцариянинг "Нобель" компаниялари ва шунингдек, бошқа кўпга таъминловчи инвесторлар иштирокида ташкил этилган кўшма корхоналар ҳақида сўз юритиш мумкин.

Дунёда ном қозонган бундай компаниялар билан олиб бораётган ҳамкорлигимиз қисқа вақт ичида иқтисодиётимиз тармоқларини тубдан модернизация қилиш, маҳсулот ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва унинг турини кўпайтириш, жаҳон бозорларига рақобатдош янги маҳсулотлар билан чиқиш имконини бермоқда.

"Навоий", "Ангрен" ва "Жиззах" махсус иқтисодий зоналарини ташкил этиш ҳисобидан чет эллик инвесторлар билан йўлга қўйган ҳамкорлигимиз ўзининг юксак самарасини кўрсатмоқда.

Энг муҳими, Ўзбекистонда маҳаллий ва чет эллик инвесторлар нафақат маблағ сарфлаб, даромад олмақда, балки корхоналарни биргаликда бошқармоқда, хорижлик муассислар кўшма корхонага, аввало, илғор технологияларни олиб келмоқда, ишлаб чиқаришни замонавий асосда ташкил этиш ва бошқаришни жорий қилмоқда.

Бу борадаги тажриба ҳамкорликнинг айнан мана шу шакли энг кўп самара бераётгани ва энг яхши истиқболга эга эканини кўрсатмоқда. **Биз бундай корхоналар фаолиятини имкон қадар кенгайтиришга тайёризмиз.**

Юқорида баён қилинган фикрларни умумлаштирган ҳолда, шуни таъкидлаш керакки, иқтисодиёт тармоқларида давлат улушининг мавжудлиги ва самардорлигини, бошқача айтганда, "иқтисодиётдаги давлат"нинг ролини кенг миқёсда танқидий таҳлил қилиш ва шу асосда хусусий секторнинг иқтисодиёт тармоқларидаги иштирокини сезиларли равишда кенгайтириш бўйича янги чора-тадбирларни белгилаш вақти келди.

МАМЛАКАТИМИЗНИ ДЕМОКРАТИК ЯНГИЛАШ ВА ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИМИЗНИ ҚАТЪИЯТ БИЛАН

(Давоми. Боши 1-, 2–3-бетларда.)

Бундай корхоналардаги давлат улушини хусусий секторга, жумладан, янги инвесторларга, улар томонидан ана шу корхоналар негизда замонавий ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этиш мажбуриятини қабул қилиш шарти билан ноль қийматида сотиш мақсадга мувофиқдир.

Хулоса қилиб айтганда, демократик ва бозор ислохотлари йўлидаги изчил ҳаракатларимизнинг мантиқи биздан доимо илгарилаб боришни талаб этаётганини таъкидлаш лозим. Бу борада жаҳон бозорида кескин рақобат кучайиб бораётгани ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Чунки бундай вазият Ўзбекистонда хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлики жадал ривожлантириш учун уларнинг йўлидаги, шуни яна таъкидлаш керак, ҳар қандай қаршиликни олиб ташлашни долзарб вазифа қилиб қўймоқда.

Бу вазифаларни амалга ошириш, ўз навбатида, биз мамлакатимизда барпо этилаётган фуқаролик жамиятининг ишончли таянчи ва пойдевори деб биладиган ўрта синф — мулкдорлар синфини шакллантириш ва унинг мавқеини мустаҳкамлаш учун янги рағбатлантирувчи омиллар ва истиқболларни яратиб беради, деб айтишга барча асосларимиз бор.

Хурматли юртдошлар!

Соғлом бола йили деб ном олган жорий 2014 йилимиз ҳам ўз якунига етмоқда. Барчамиз учун, бутун халқимиз учун булган амалий маъно-мазмунга эга бўлган мақсадларни, соғлом авлодни тарбиялашдек эзгу ва пок ниятларимизни ўзига қамраб олган ана шу йил муносабати билан қабул қилган умуммиллий Дастуриимизнинг бажарилиши бўйича қисқача тўхталиб ўтсак, айтиш мумкин бўлар эди.

Дастур доирасида соғлом ва баркамол авлодни тарбиялашга қaratilgan **амалдаги ҳуқуқий-меъёрий базани янада тақомиллаштириш** бўйича 3 та қронун лойиҳаси ишлаб чиқилганини қайд этиш лозим.

Шулар қаторида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2014—2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлигини муҳофаза қилиш борасидаги Давлат дастури тўғрисида" қабул қилинган қарори моҳият эътибори билан болаларимизни жисмоний ва маънавий жиҳатдан камол топтириш ва ёшларга оид давлат сиёсатини янги босқичга кўтаришга хизмат қилади.

Соғлом бола — аввало, соғлом ва аҳил оиланинг мевасидир, деган ҳаётий ҳикматдан келиб чиққан ҳолда, йил давомида **оилада ўзаро ҳурмат муҳитини, унинг иқтисодий ва маънавий асосларини мустаҳкамлаш, ёш оилаларни кўллаб-қувватлаш, оналик ва болаликни ҳимоялаш, опа-сингилларимизнинг оғирини енгил қилиш, уларнинг қобилият ва имкониятларини рўйбга чиқариш** бўйича ҳам кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

Соғлом ва мустаҳкам оилаларни барпо этиш соғлом келажақ пойдевори эканини назарда тутиб, турмуш қураётган ёшларнинг никоҳдан олдин тиббий кўрикдан тўлиқ ўтишларини таъминлаш, шу асосда ирсий ва туғма касалликларнинг олдини олиш бўйича сезиларли ишлар қилинди. Жумладан, бўлажак келин-куёвларни тиббий кўрикдан ўтказадиган поликлиникалар замонавий тиббиёт ва диагностика асбоб-ускуналари билан жиҳозланди. Энг муҳими, янги оила қураётган 2 мингдан ортиқ ёшларда турли касалликлар аниқланиб, улар амбулатор ва стационар шароитда даволанди.

"Соғлом она — соғлом бола" лойиҳаси доирасида жами 13 миллион 600 мингдан зиёд аёллар ва болалар тиббий кўрикдан ўтказилди. Бунинг натижасида 2 миллион 800 минг аёл ва 2 миллион 500 минг бола соғломлаштирилгани бу йўлдаги катта қадам бўлди.

Муҳим амалий масалалардан бири — аёлларимизни тадбиркорлик соҳасига жалб этиш ва уларни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида қамда 50 фоиз ишчи-хизматчилари хотин-қизлардан иборат бўлган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига тижорат банклари томонидан 770 миллиард сўмлик кредитлар ажратилди.

Аҳолиимиз, аввало муҳтарам опсингилларимизнинг талабига мувофиқ, юртимизда, шу жумладан, чекка қишлоқларда «Гўзаллик сало» лари, таъмирлаш ва тикув цехлари, маиший техникаларни тузатиш шохбачаларидан иборат 150 дан ортиқ хизмат кўрсатиш комплекси барпо этилгани турмуш маданиятини оширишга катта ҳисса бўлиб қўшилди.

Бизнинг эътиборимиз марказида турган касб-ҳунар коллежлари битирувчилари орасидан ўз бизнесини ташкил қилишга интилаётган йигит-қизларга 170 миллиард 700 миллион сўм миқдорда кредитлар ажратиб берилгани ва улар ўз хусусий ишини очиб имконига эга бўлганининг ўзи, ҳеч шубҳасиз, ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий жиҳатдан ўта муҳим муаммоларни ечишга имкон берди.

Шу билан бирга, ёш оилаларга уй-жой сотиб олиш, уни қуриш ва реконструкция қилиш, узок мuddат фойдаланишга мўлжалланган товарларни харид қилиш учун қарийб 215 миллиард сўмлик имтиёзли ипотека кредитлари ва 57 миллиард сўмлик фойсиз қарз маблағлари ажратилди. Ана шундай тадбирлар қаторида Касаба уюмлари федерацияси томонидан 1 миллиард 500 минг сўм қийматидаги маиший электр техника воситалари кам таъминланган оилаларга бепул тарқатилганини қайд этиш лозим.

Азиз дўстлар!

Соғлом бола йили давомида ўта муҳим аҳамиятга эга бўлган **тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базаси ва кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш** борасида 137 та тиббиёт муассасасида, жумладан, Андижон, Бухоро, Қашқадарё, Самарқанд, Тошкент вилоятлари кўп тармоқли болалар тиббиёт марказлари, Андижон шаҳридаги туғруқ комплекси, Тошкент

шаҳридаги болалар санаторийси, Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг болалар хирургияси бўлими ва бошқа соғлиқни сақлаш масканларида қарийб 410 миллиард сўмлик қурилиш, реконструкция ва жиҳозлаш ишлари амалга оширилганини таъкидлаш зарур.

Шунингдек, хорижий молия институтларининг 28 миллион 500 минг долларлик кредит ва грант маблағлари ҳисобидан туман тиббиёт бирлашмалари, Республика ихтисослаштирилган кардиология маркази, онкология муассасалари, вилоят шифохоналари замонавий даволаш асбоб-ускуналари билан жиҳозланди.

Шу билан бирга, яна бир ўта муҳим масалага эътиборингизни жалб этмоқчи эдим.

Бугунги кунда юртимиздаги етакчи клиника ва тиббиёт марказларида энг илғор технологиялар ёрдамида ноёб операциялар амалга оширилмоқда. Масалан, Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт марказида ўтказилган мураккаб операциялар туфайли 100 нафар боланинг эшитиш қобилияти тикланди. Республика ихтисослаштирилган хирургия марказининг кардиохирургия мажмуасида эса сўнгги икки йилда 5 минг 200 нафардан ортиқ бемор жарроҳлик операцияларини бажармасдан туриб даволанди.

Ўйлайманки, мана шу фурсатдан фойдаланиб, катта билим ва малака талаб этадиган айтиш шундай ўта нозик операцияларни амалга ошираётган, ноёб истеъдодга эга бўлган, ўзимиздан чиққан моҳир хирургларга, бошқа мутахассисларимизга миннатдорлик билдиришимиз, уларга керак бўлган ёрдамимизни янада кучайтириш, янги имкониятларни очиб бериш учун ҳеч қандай маблағларни аямаслигимиз зарур, десам, барчамизнинг фикримизни билдирган бўлар эдим.

Фарзандларимиз ўртасида юқумли касалликларнинг олдини олиш мақсадида бу йил миллий эмлаш календарига рота вирус вакцинаси киритилиб, қарийб 300 минг бола ушбу вакцина билан эмланди.

Мамлакатимизда ногирон болалар туғилишининг олдини олишдек олийжаноб мақсадни амалга оширишда республикамизнинг барча ҳудудларида фаоллаштирилган, нуфузи ва самараси тобора ортиб бораётган скрининг марказларининг ролини алоҳида таъкидлашни хоҳлардим.

Бугунги кунда ана шундай ўта муҳим муаммони ечишда бу марказлар катта ўрин тутмоқда. Биргина жорий йилнинг ўзида ушбу марказлар томонидан 20 мингдан ортиқ нуқсонли бола туғилишининг олди олинганини ҳеч нарса билан ўлчаб-қийслаб бўлмайди, десам, ўйлайманки, сизлар ҳам бу фикрга қўшилсиз.

Шу йўлда амалга ошираётган ишларимиз, сарфланган маблағ, куч ва имкониятларимиз натижасида қанчадан-қанча гўдакларнинг бениқсон дунёга келиши, соғлом ва бақувват бўлиб воёга етиши, аввало, шу боланинг ўзи, ота-онаси ва оиласи учун, бутун жамиятимиз учун қандай қувонч ва бахт келтиришини тасаввур қилишининг ўзи қийин,

десак, айтиш ҳақиқатни айтган бўламиз.

Фурсатдан фойдаланиб, соғлом бола, соғлом авлодни камол топтиришдек эзгу ишга ўзини бағишлаган ва шу йўлда фидокорона меҳнат қилаётган барча тиббиёт ходимларига самимий миннатдорлик билдираман.

Ана шундай юксак мақсадлар йўлида энг илғор, энг замонавий асбоб-ускуна ва технологиялар, даволаш усулларини юртимизга олиб келиш, бу борада чет давлатлар билан самарали ҳамкорликни янада кучайтиришга қаратилган ишларимизни алоҳида таъкидлаш ўринлидир.

Тошкент шаҳрида тўртинчи, яъни энг юқори даражали кўп тармоқли замонавий болалар шифохонасини қуриш ва жиҳозлаш бўйича Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва Корея Республикаси Иқтисодий ҳамкорлик жамғармаси ўртасида кредит шартномаси имзолангани бунинг яққол далилидир. Қарийб 103 миллион доллар ҳисобидан барпо этиш кўзда тутилаётган, ҳар жиҳатдан ноёб ушбу тиббий марказни, насиб этса, 2017 йилда ишга туширамиз.

Қадрли ватандошлар!

Ўтган давр мобайнида **замонавий ахборот-коммуникация тизимидан, Интернетдан кенг фойдаланиш ҳисобидан таълим-тарбия самарасини кучайтириш, болалар, айтишча, қиз болалар ўртасида жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш** бўйича кенг кўламли ишларимиз давом эттирилди.

Дунёдаги турли-туман нуфузли беллашувларда Ватанимиз шухрати тараннум этиб келаётган ёшларимиз сафи тобора кенгайиб бормоқда. Мисол учун, бу йил юртимиз ўқувчиларидан 10 нафари хорижий мамлакатларда ўтказилган йирик халқаро мусика ва санъат фестивалларида "Гран при" деб аталадиган энг юқори совринни, 60 нафари эса биринчи ўринни кўлга киритгани бунинг яққол тасдиғидир.

Спорт соҳасини оладиган бўлсак, футбол бўйича Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси Осиё чемпионатининг чорак финалида ғалаба қозониб, қитъамиздаги тўртта давлатдан бири сифатида келгуси йили Янги Зеландияда бўладиган жаҳон чемпионатида йўлланмани кўлга киритгани барчамизни албатта қувонтиради.

Хитой Халқ Республикасининг Нанкин шаҳрида ўтказилган ўсмирлар ўртасидаги иккинчи Олимпияда ўйинларида 28 нафар ёш спортчимиз 4 та олтин, 3 та кумуш, 3 та бронза, жами ўнта медалга эришгани ҳам йил давомидаги катта спорт ютуқларимиз қаторига кирди. Жанубий Кореянинг Инчон шаҳрида ўтказилган Осиё ўйинларида эса юртимиз фарзандлари 9 та олтин, 14 та кумуш, 21 та бронза, жами 44 та медалга соловор бўлиб, юксак шохсулага кўтарилди.

Бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин.

Бундай ютуқлар замирида, биринчи навбатда, мамлакатимизда болалар спортини ривожлантиришга берилаётган доимий эътибор муҳассам экани барчамизга яхши аён.

МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШГА ҚАРАТИЛГАН ДАВОМ ЭТТИРИШ – БОШ МАҚСАДИМИЗДИР

Дастур доирасида қизларимизни жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишга кенг жалб этиш мақсадида уларга 6 миллиард сўмлик спорт кийимлари тўплами бепул берилгани ана шундай ғамхўрликнинг яна бир амалий намунасидир.

Шулар қаторида мактаб ўқувчилари учун 34 миллион 500 минг нусхадаги дарслик ва ўқув-методик қўлланмалар юртимиздаги таълим олиб бориладиган 7 тилда нашр қилинганини алоҳида қайд этиш лозим.

Хаммамизга маълумки, мамлакатимизда илк бор мактаб остонасига қадам қўядиган ўғил-қизларимизни дарслик ва бошқа ўқув қуроллари билан бепул таъминлаш яхши анъанага айланган. Жорий йилда ҳам қарийб 587 минг 1-синф ўқувчиси салкам 28 миллиард сўм қийматидаги дарслик ва ўқув анжомлари билан таъминланди.

Шунингдек, умумтаълим мактабларидаги чет тили фани, аввало, инглиз тилини ўрганиш учун мўлжалланган ўқув хоналари 45 миллиард сўмлик замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, техник воситалар билан жиҳозлангани фарзандларимизнинг билим ва кўникмаларини янада чуқурлаштиришга пухта замин яратмоқда.

Азиз юртдошлар!

Биз учун энг устувор ва улғувор вазифа бўлган баркамол ва етук, ҳеч кимдан кам бўлмайдиган ёш авлоднинг тарбиялаш борасида жойларда нафақат давлат, балки нодавлат ва жамоат ташкилотлари, бизнес тузилмалари иштирокида катта-катта ижтимоий объектлар қурилаётганини мамнуният билан эътироф этамиз.

Авваламбор, "Меҳрибонлик" йилларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, уларнинг тарбияланувчиларига ҳар томонлама ёрдам бериш мақсадида амалга оширган ишларимиз, айниқса, эътиборга лойиқдир.

Шу ўринда халқимиз ўртасида кенг тарқалган "Савоб ишни ҳар ким қилиши керак, савоб ишни ҳар кун қилиш керак" деган шioriимизни яна бир бор эслаб ўтишни истардим. Чунки, бу дунёда ҳеч бир нарсани изси кетмайди. Яхшилиқ қилган одамга албатта яхшилиқ қайтади. Ўзига қайтмаса, болалари, набираларига қайтади. **Муқаддас китобларимизда айтилганидек, яхшилиқнинг мукофоти фақат яхшилиқдир.**

Албатта, «Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида амалга оширган ишларимиз ҳақида яна узоқ гапириш, кўпгина рақам ва мисолларни олиб келиш мумкин. Лекин уларнинг барчасини мухтасар қилиб ифода этишдан бўлса, ана шу мақсадлар учун барча манбалар ҳисобидан 4 триллион 795 миллиард сўм ва 260 миллион АҚШ долларидан зиёд маблағ сарфланганининг ўзи, ўйлайманки, бу борадаги фаолиятимизнинг кўлами ва миқёси нақадар улкан эканидан далолат беради.

Фурсатдан фойдаланиб, мана шундай эзгу ишда фаол қатнашган юртимиздаги давлат ва нодавлат ташкилотларга, ҳорижий ва халқаро тузилмаларга, мана шу залда ўтирган чет давлатларнинг мухтарам элчиларига, бу савобли ишга ҳисса

қўшган, ҳолис хизмат қилган барча барча инсонларга ўз номимдан, халқимиз номидан чуқур миннатдорлик билдиришга рухсат бергайсиз.

Қадрли дўстлар!

Энди мамлакатимизда яхши анъана ва одатга айланиб қолган тажрибамиз асосида кириб келаётган янги — 2015 йилга ном бериш ҳақида сиз, азиизлар билан маслаҳатлашиб олсак, айтиш мумкин бўлади.

Барчамизга яхши маълумки, ўтган давр мобайнида юртимизда йилларга қандай ном бермайллик — бу "Оила" ёки "Аёллар" йили бўлади-ми, "Соғлом авлод" ёки "Соғлом бола" йили бўладими, "Обод маҳалла" ёки "Обод турмуш" йили бўладими — буларнинг барчаси, ҳеч шубҳасиз, чуқур маъно ва мазмунга эга.

Бошқача айтганда, бу каби олийжаноб мақсадларни кўзда тутиб амалга оширган тадбирларимиз аввало жамиятимизни янада эркинлаштириш, ҳаётимизни янада обод ва фаровон қилиш, тинчлик-осойишталикни мустаҳкамлашда, Ватанимизнинг обрў-эътиборини халқаро майдонда юксалтириш йўлида муҳим амалий қадам бўлганини ҳеч ким инкор этолмайди.

Шу билан бирга, мана шундай эзгу тадбирларни ўтказиш туфайли халқимизни янада жипслаштириш, меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатликни, оилани янада мустаҳкамлаш, катталарга ҳурмат, кичикларга иззат, аёл зотиға, авваламбор, оналарга ҳеч сиз меҳр ва эҳтиром сингари қадриятлар аҳолимиз, хусусан, ёшларимизнинг қалби ва шуридан чуқур ўрин олаётганини ҳисобга оладиган бўлсак — буларнинг барчасининг аҳамияти ва моҳиятини баҳолаш ўзи қийин, деб ўйлайман. Лўнда қилиб айтганда, бизнинг эътиборимиз марказида турган айтиш шу хусусият ва фазилатлар, бугунги замон ва ҳаётимизнинг ўзи талаб қилаётган ўткир ва долзарб масалалар кириб келаётган янги йилларга ном бериш бўйича бизнинг рўйхатимизда турса, ҳеч шубҳасиз, халқимизнинг хоҳиши ва талабига жавоб берадиган иш бўлар эди.

Айни шу шартларни ҳисобга олган ҳолда, мен кириб келаётган 2015 йилга мамлакатимизда **Кексаларни эъзозлаш йили**, деб ном беришни таклиф этаман.

Азиз юртдошлар!

Ҳар қандай жамиятнинг ёши улуг одамларга бўлган эътибори ва ғамхўрлиги унинг маданий даражасини белгилайди, десак, янгилишмаган бўлаамиз. Сoddagina, ўзбекона қилиб айтганда, кексаларга ҳурмат-эҳтиром, меҳр-оқибат кўрсатиш маънавий ҳаётимизнинг том маънода ажралмас қисмига айланган.

Бир ўйлаб кўрайлик, "Қариси бор унинг париси бор", "Қариялар — хонадонларимизнинг файзи ва фариштаси" деган мақол ва ҳикматли сўзларимизда қандай чуқур маъно бор.

Ҳақиқатан ҳам, қайси хонадонда нуруний отахон ёки онахон бўлса, бу оилада албатта файзу барака, фаровонлик, аҳиллик бўлишини барчамиз яхши биламиз.

Шу боис бугун турли соҳаларда эришаётган ютуқларимизда ота-оналаримиз, мўтабар қарияларимиз

нинг унутилмас ва улкан хизмати борлигини, биз улар олдида умрбод қарздор эканимизни унутмаслигимиз, кўлимиздан келганича уларнинг оғирини енгил, умрини узоқ қилишни ўзимизнинг инсоний бурчимиз, деб билишимиз лозим.

Ватанимизнинг мусаффо осмонини асрашда, ҳар қандай офатларни остонамизга йўлатмаслик, она юртимизни фашизм балосидан ҳимоя қилишда кекса авлод вакилларининг қандай жасорат кўрсатгани, фронт ортида меҳнат қилиб, ғалабага муносив ҳисса қўшгани, мамлакатимизни тиклаш, унинг ҳам ҳарбий, ҳам иқтисодий, ҳам маданий-маънавий салохиятини оширишда нуруний кексаларимиз намоён этган фидойиликни биз ҳаммаша катта миннатдорлик билан эслаймиз.

Бугун фахрийларимизнинг ҳурматини жойига қўйиш, ҳар қайси кекса одамнинг юрагига етиб бориш, кўнглини кўтариш, шу билан бирга, уларнинг ҳаётини мазмунли қилиш йўлида олиб бораётган ишларимизни кучайтириш, самарасини ошириш зарур.

Халқимизнинг қадимий ва шонли тарихини узвий давом эттиришга, шу тарихнинг ўчмас саҳифаларини, аجدодларимизнинг буюк меросини, қадрият ва урф-одатларини ёшларимизга етказиш, ҳаётимизни тобора поклаш ва файзу баракали қилишда, бир сўз билан айтганда, уни маънавий юксалтиришда, бугун Яратганининг бизга берган ҳар бир кунини маъноли ва сермазмун ўтказишда беқийс ҳисса қўшаётган ота-боболаримизга ҳар томонлама ҳурмат, эъзоз ва эҳтиром кўрсатиш барчамиз учун ҳам қарз, ҳам фарз, деб ўйлайман.

Бугунги кунда мамлакатимизда **60 ёшдан ошганлар сони 2 миллион 873 мингдан кўпроқ кишини ташкил этади**. Мустақиллик йилларида халқимизнинг ўртача ёши 1990 йилдаги 67 ёшдан 73,5 ёшга, аёллар ўртасида эса 75,8 ёшга етди.

Айни пайтда юртимизда 225 минг нафар 80 ёшдан, 44 минг нафар 90 ёшдан, 8 минг 700 нафар — шунга эътибор беринг — 100 ёшдан ошган табарруқ қариялар яшамоқда. Улар орасида 3 минг 109 нафар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, 69 минг 994 нафар фронт ортида меҳнат қилган инсонлар борлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Бу ниманинг исботи? Бу аввало, истиқлол даврида халқимизнинг турмуш даражаси ва сифати тобора ортиб бораётганидан, ёши улуг одамларимиз яхши ният, эртанги кунимизга катта умид билан яшаётганидан, уларнинг қалби софлигидан далолат беради.

Хонадонларимиз кўрки бўлган пири бадавлат кексаларимизни ҳар томонлама қадрлаш мақсадида мамлакатимизда катта ишлар амалга оширилмоқда. Шу йилнинг ўзида уларга давлат бюджети ҳисобидан 11 триллион 618 миллиард сўмдан ортқ пенсия, 105 миллиард сўмдан зиёд нафақалар тўлангани бунинг амалий тасдиғидир.

Дунёдаги камдан-кам давлатлар қаторида бугунги кунда давлатимиз пенсияга ажратадиган маблағнинг миқдори ўртача ойликнинг 41 фоиздан зиёдини ташкил этиши ҳам шундан далолат беради.

Бу борада 2014 йил 13 октябрда қабул қилинган "1941—1945 йиллардаги уруш ва меҳнат fronti фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президент фармониға асосан уларни ижтимоий ҳимоялаш, хусусан, йилда бир марта ўзлари учун мақбул муддатларда санаторий-соғломлаштириш муассасаларида давлат ҳисобидан даволаниш имкони яратилганини сизларга яхши маълум, деб ўйлайман.

Айни вақтда кекса авлод вакиллариға нодавлат ташкилотлар, ижтимоий тузилмалар томонидан ҳам моддий ва маънавий кўмак берилётгани ва бундай ёрдамнинг миқёси кенгайиб бораётгани эътиборга сазовор. Хусусан, 2013 йилда "Нуруний" жамғармаси томонидан шу мақсадда 610 миллион сўм, жорий йилнинг 9 ойида эса 553 миллион сўмдан ортқ маблағ йўналтирилгани, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди томонидан 2013 йилда 1 миллиард 597 миллион сўмдан зиёд, шу йилнинг ўтган 9 ойида эса 1 миллиард 614 миллион сўмлик ёрдам кўрсатилгани ҳам бунга мисол бўла олади.

Табиики, анъанага айланиб қолган тартиб бўйича, 2015 йилга Кексаларни эъзозлаш йили деб ном беришимиз муносабати билан давлат дастури қабул қилинади ва бу дастурни амалга ошириш учун махсус ҳукумат комиссияси тузилади.

Мақсуд дастурни ишлаб чиқишда бугунги кунда кекса авлод вакилларининг ҳаётига дахлдор бўлган, ҳали-бери ечилмаган муаммоларни ҳал қилиш, бир сўз билан айтганда, йилга шундай ном берганимиз ўзини амалда оқлашини дастурнинг асосий мақсади сифатида қўриш керак.

Азиз ватандошлар!

Барчамизни оқ қовиб, оқ тараган, она юртимизнинг оғир юкини, унинг қувонч ва ташвишини умр бўйи елкасида кўтариб келган мўтабар болаларимиз ва момоларимизни, ота-оналаримизни рози қилиш, уларнинг дуосини олиш — дунёдаги энг улуг, ҳар савобли иш десам, ўйлайманки, барчангизнинг фикрингизни ифода этган бўламан.

Кириб келаётган янги йилга Кексаларни эъзозлаш йили деб ном бериш, уни мана шундай пок ният ва ҳаракатлар билан бошлаётганимиз 2015 йилнинг тинчлик ва осойишталик, фаровонлик ва тўкинлик йили бўлишига, унинг янада мазмунли ўтишига муносиб ҳисса бўлиб қўшилиди, иншоолло.

Сўзимни якунлар эканман, барчангизга, мана шу гўзал залда тўпланган сиз, азиизларимга, сизлар орқали бутун эл-юртимизга қарата айтмоқчиман: **асрлар синовидан ўтган мана шундай ўлмас қадриятларга таяниб, ўз кучи ва қудратига ишониб-инониб яшаётган халқимизни ўз танлаган йўлидан ҳеч ким, ҳеч қачон қайтара олмайди. Биз ўз мақсадларимизга албатта эришамиз ва кўзлагамиз марраларимизга албатта етамиз.**

Азиз ва қадрли ватандошларим!

Сизларни Конституцияимизнинг 22 йиллик байрами билан яна бир бор табриклаб, барчангизга сийҳат-саломатлик, бахт ва омад, хонадонларингизга файзу барака тилайман.



ОЗОД ВА ФАРОВОН ҲАЁТИМИЗНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Давлатимиз раҳбари Конституциямизнинг асосий қоидалари, тамойил ва мақсадлари мамлакатимизда яратилган ва самарали фаолият кўрсатаётган мукамал қонунчилик ва ҳуқуқий базанинг, бутун дунёда “ўзбек модели” деб ном қозонган жамиятимизни ислох этиш, демократлаштириш ва эркинлаштириш, таркибий туб ўзгаришлар ва мамлакатимизни модернизация қилиш бўйича пухта ўйланган узоқ муддатли дастурнинг асосини ташкил этишини алоҳида таъкидлади.

Бундан 22 йил аввал демократик тамойиллар асосида қабул қилинган Асосий қонунимиз мамлакатимизда янги жамиятнинг ҳуқуқий қафолларини шакллантирди ва мустақамлади.

Мамлакатимиз истиқлолнинг дастлабки йилларида ноқ белгилаб олган бозор иқтисодиётига йўналтирилган демократик давлат қуриш, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини таъминлаш, одил фуқаролик жамияти барпо этиш каби улғувор мақсадларга эришишда Конституциямиз ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Халқимиз истиқлол йилларида эришган бетимсол ютуқлар, тинч-осойишта, тўкин ва фаровон ҳаётимиз, навқирон авлодни ҳар жиҳатдан соғлом ва barkamol инсонлар этиб voyaga етказиш — буларнинг барчаси негизда Конституциямиз турибди. Зеро, Асосий қонунимиз демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш, инсон ҳуқуқлари устуворлигини, тинчлик-осойишталикни таъминлашдек улкан мақсадларга эришишнинг муҳим қафолатидир.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси байрамининг яна бир муҳим жиҳати, шу куни халқимизнинг эзгу интилишларини ифода этадиган, жамиятимиз ривожига хизмат қиладиган энг устувор йўналишлар белгилаб олинди ва келгуси йилга шунга мувофиқ ном берилди.

Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан 2014 йил мамлакатимизда Соғлом бола йили деб эълон қилинган эди. Бу борада ишлаб чиқилган Давлат дастури асосида жисмонан соғлом, маънан етук barkamol авлодни тарбиялашга қаратилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди.

Йил давомида «Соғлом бола — аввало, соғлом ва аҳил оиланинг мевасидир» деган ҳаётий ҳикмат асосида улкан ишлар бажарилди. Давлатимиз раҳбари ушбу дастурда белгиланган тадбирлар юртимизнинг барча ҳудудларини қамраб олиб, соғлом авлодни тарбиялашдек эзгу ниятларимизни рўёбга чиқаришда давлат ва нодавлат ташкилотлари, ижтимоий тузилмалар, ишлаб чиқариш корхоналари, бизнес вакиллари ўз куч ва имкониятлари билан фаол қатнашгани бу ғоянинг чиндан ҳам умумхалқ ҳаракатига айланганининг яққол намоёни бўлганини таъкидлади.

Президентимиз Ислам Каримов кириб келаётган янги — 2015 йилни мамлакатимизда **Кексаларни эъзозлаш йили** деб эълон қилишни таклиф этди. Давлатимиз раҳбарининг бу таклифи йигилганлар томонидан гўлдурдос қарсақлар билан қўллаб-қувватланди.

Тантанали маросим санъатини усталари ва ёш ижрочиларнинг байрам концерти билан яқунланди.

ЎЗА

ВАТАНИМИЗНИНГ ЮКСАК МУКОФОТЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Бунинг тасдиғини охириги 10 йилда дунёдаги камдан-кам давлатлар қаторида Ўзбекистонимизда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 8 фоиздан кам бўлмасдан келаётгани мисолида кўриш мумкин. Жаҳонда ҳамон давом этаётган иқтисодий инқироз оқибатида кўпгина давлатларда иқтисодий ўсиш пасайиб, ҳатто ривожланишдан тўхташ ҳолатлари юз бераётган бир пайтда мамлакатимизнинг изчил ва барқарор ривожланиб бораётгани, янги — 2015 йилда ҳам бундай ўсиш суръатлари давом этиши қутилаётгани барчамизга ғурур ва ифтихор бағишлаб, кўпгина давлатларнинг ҳаваси ва ҳайратини уйғотмоқда.

Иқтисодиётимизнинг барча тармоқ ва соҳаларида илгари мисли кўрилмаган натижаларга эришмоқдамиз. Қишлоқ ҳўжалигини оладиган бўлсак, миришкор деҳқонларимиз бу йилги мавсумда табиий ва иқлим қийинчиликларига, сув тақчиллигига қарамасдан, қаҳрамонона меҳнат қилиб, 8 миллион 50 минг тонна гаёла, 3 миллион 400 минг тоннадан зиёд пахта хирмон бунёд этгани, барча қишлоқ ҳўжалиги экинларидан мўл ҳосил етиштиргани ҳар қандай таҳсин ва тасаннога муносибдир, деди Юртбошимиз.

Ана шундай ютуқларимиз қаторида юқори технологияларга асосланган, рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган ўнлаб, юзлаб саноат корхоналари, магистрал йўл ва кўприklar, замонавий транспорт-коммуникация тармоқлари, шифохоналар, мактаб, лицей ва коллежлар, маданият ва спорт масканлари, савдо ва маъиший хизмат кўрсатиш объектилари ишга туширилаётгани, кенг қўламдаги ободончилик ишларимиз — буларнинг барчаси ўтиб бораётган 2014 йилнинг эл-юртимиз ҳаётида нақадар ёрқин из қолдираётганидан яққол далолат беради.

Иқтисодиётимизда тобора халқ қилувчи ўрин эгаллаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, сервис ва хизмат кўрсатиш, ахборот-коммуникация технологиялари соҳаларида аввал тасаввур қилиш ҳам қийин бўлган юксак натижаларга эришаётганимиз ҳақида кўп гапириш мумкин.

Кейинги йилларда шаҳар ва қишлоқларимиз, бутун

юртимизнинг қиёфаси тубдан ўзгариб, янада гўзал ва обод бўлиб бораётгани ҳақида сиз, азизларнинг ҳар бирингиз ўзингиз яшаб турган ҳудуд ҳаётидан кўплаб мисолларни келтиришингиз мумкин.

Айниқса, нафақат мамлакатимиз, балки хорижий давлатларда ҳам катта қизиқиш уйғотаётган дастуримиз, яъни қишлоқ ҳўжларда намунавий лойиҳалар асосида шу йилнинг ўзида 11 мингта шинам уй-жой барпо этилгани қанча қанча оилаларга хурсандчилик бағишлагани, уларнинг турмуш маданиятини юксалтиришга хизмат қилиши билан эътиборлидир, деб таъкидлади Ислам Каримов.

Биз учун энг муҳим, энг устувор вазифа бўлган ёш авлодимизни соғлом ва barkamol қилиб тарбиялаш, инсон саломатлигини асраш борасида ўзини аямасдан, жонбозлик кўрсатиб келаётган устоз ва мураббийлар бўладими, шифокорларимиз бўладими — уларнинг олийжаноб меҳнатини бугун албатта ҳурмат билан тилга оламиз.

Шулар қаторида илмуфан, маданият ва санъат, спорт соҳаларида, халқимиз маънавиятини юксалтириш бўйича жорий йилда эришган ютуқларимиз Ватанимизнинг шон-шўхратини бутун дунёга тараннум этишга улкан ҳисса бўлиб қўшилганини таъкидлаш лозим.

Бугунги кунда орамизда шундай инсонлар борки, мамлакатимизни барқарор суръатлар билан ривожлантириш, юртимизда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган, эркин ва обод ҳаёт барпо этишда, тинчлик ва осойишталик, меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатлик муҳитини янада мустақамлашда уларнинг ўрни ва таъсири беркиёсдир, деди Президентимиз.

Бу борада маҳалла, нурунийлар, хотин-қизлар, ёшлар ташкилотлари фаолларининг ҳиссаси ғоят катта экани барчамизга яхши аён.

Бизнинг тинч ва осуда ҳаётимизни, мусаффо осмонимизни кўз қорачигидек асраб келаётган, бугунги нотинч ва таҳликали бир вазиятда шу йўлда кўкрагини қалқон қилишга тайёр бўлган мард ва жасур ҳарбийларимизнинг машаққатли ва шарафли хизматини ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайди. Мана шундай доворак, ботир ўғлонларимизнинг

шонли меҳнатини эъзозлашимиз, қадрлашимиз керак, деди давлатимиз раҳбари.

Сўнгра Президентимиз давлат мукофотларини тантанали равишда топширди.

— Бугун сизларнинг ҳар бирингиз учун ҳақиқатан ҳам унутилмас кун, қўтлуг айём, — деди Ислам Каримов. — Ватанимизнинг сизларга берилган нуфузли мукофотлари халқимиз, давлатимизнинг барчангизга билдирган юксак ишончидан, олийжаноб меҳнатингиз муносиб қадр топганидан далолат беради.

Ватанимизнинг юксак мукофотларига сазовор бўлган барча-барча юртдошларимизга, сиз, азизларга айтадиган табрик ва тилакларим: бундай юксак унвон, орден ва медаллар ҳаммангизга буюрсин, янги ютуқ ва омадлар, бахт, соғлиқ-саломатлик, файзу барака келтирсин. Юртимиз, элимиз омон, осмонимиз мусаффо бўлсин, деди пировардида давлатимиз раҳбари.

Тақдирланганлар номидан сўзга чиққан Ўзбекистон Қаҳрамони, Қамаш туғганидаги «Бозор ўғли Абди» фермер ҳўжалиги бошлиғи Абдимурод Бозоров, Ўзбекистон Қаҳрамони, академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган жаррохлик маркази бўлим мудри Зайниддин Низомхўжаев, «Эл-юрт хурмати» ордени соҳиби, Республика Маънавият тарғибот марказининг Қорақалпоғистон бўлими раҳбари Шараф Уснатдинов, “Фидокорона хизматлари учун” ордени соҳиби, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг ёшлар билан ишлаш бўйича ўринбосари Иқбол Мирзо, “Дўстлик” ордени соҳиба-си, гимнастика бўйича Республика олий спорт маҳорати мактабининг бадий гимнастика бўйича мураббийи Татьяна Роговая, «Эл-юрт хурмати» ордени соҳиби, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси хонандаси Озодбек Назарбеков давлатимизнинг ушбу юксак мукофотлари бундан бўён ҳам Ватан тараққиёти йўлидаги фидокорона меҳнатни янада юқори суръат ва шижоат билан давом эттиришга ундашини, янги марраларни эгаллашга илҳомлантиришини таъкидладилар, юксак эътибори ва ғамхўрлиги учун Президентимиз Ислам Каримовга самимий миннатдорлик билдирдилар.

ЎЗА

ФИДОКОРОНА МЕХНАТНИНГ ЮКСАК ЭЪТИРОФИ

Мустақиллигимизнинг 23 йиллик байрами арафасида Президентимиз Ислон Каримов фармонларига мувофиқ мамлакатимиз тараққиёти, ижтимоий-иқтисодий соҳаларнинг ривожига муносиб ҳисса қўшаётган бир гуруҳ фидойи ва ташаббускор юртдошларимиз Ватанимизнинг юксак унвонлари, орден ва медаллари билан тақдирланганди. Конституциямиз қабул қилинганининг 22 йиллиги арафасида мазкур мукофотлар ўз эгаларига тантанали равишда топширилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлигида бўлиб ўтган тадбирга шаҳар фаоллари, вазирилик ва идоралар раҳбарлари, ижтимоий-иқтисодий соҳалар, маҳалла, хотин-қизлар кўмиталари фаоллари тақдирланди.

Тошкент шаҳрининг сиёсий-ижтимоий, маънавий ҳаётидаги, давлат бошқаруви, иқтисодиётидаги ўрни ва аҳамияти беқиёсдир. Ватанимиз тарихига Соғлом бола йили сифатида муҳрланаётган 2014 йилда пойтахтимизда халқимизнинг ҳаёт сифатини янада ошириш, ёш авлоднинг жисмонан соғлом, маънан баркамол, теран тафаккурли инсонлар этиб вояга етказиш йўлида катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Ватанимиз мустақиллигининг 23 йиллиги арафасида Тошкентнинг тарихий қиёфаси ҳамда замон руҳи инобатга олинган ҳолда Олмасор ва Шайхонтохур туманларида янги йўللار барпо этилиб, мажмуалари янада кенгайтирилди. Абдулла Қодирий ва Лабзак кўчалари кесишган чорраҳада замонавий кўприк қурилиб, фойдаланишга топширилгани транспорт қатновиди, аҳоли учун қулайлик яратиш, шаҳар ҳавосининг

экологик мусофаллигини сақлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Кўплаб ижтимоий объектлар, оилавий поликлиникалар, савдо мажмуалари бунёд этилиб, майдонлар, боғлар ободонлаштирилди.

Тошкентда шахмат бўйича ихтисослаштирилган республика болалар ва ўсмирлар спорт мактаби барпо этилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясининг янги, муҳташам биноси мамлакатимизни модернизациялаш, фуқаролик жамиятини янада ривожлантиришдек эзгу мақсадлар йўлида юксак билим ва салоҳият, ислохотларни амалга оширишга қодир бўлган юқори маънавий кадрларни тайёрлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Тадбирда мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳиятини юксалтириш ва ислохотларни муваффақиятли амалга оширишдаги катта хизматлари, кўп йиллик самарали меҳнати билан саноат, транспорт, алоқа ҳамда қурилиш соҳаларини ривожлантиришга қўшган салмоқли ҳиссаси, ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун бир гуруҳ юртдошларимизга юксак мукофотлар тантанали тарзда топширилди.

Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда тинчлик-осойишталик, ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашга қаратилган оқилона сиёсат халқимиз фаровонлигини юксалтириш, юртимизнинг барча гўшаларини янада обод этиш, фарзандларимизни ҳар жиҳатдан қамол инсонлар этиб тарбиялашдек эзгу мақсадларга хизмат қилмоқда, — дейди Юнусобод туманидаги 51-оилавий поликлиника офтальмологи, «Шухрат» медали

соҳиби Зулфия Обидова. — Шу табарруқ Ватан равнақига ҳисса қўшиш, унинг тинчлиги, ободлиги йўлида меҳнат қилиш барчамизнинг чин инсоний, фуқаролик бурчимиздир.

Мукофотларни Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.Мирзиёев топширди.

Халқимиз маънавиятини юксалтириш, миллий анъаналаримизнинг бардавончилигини таъминлаш, навқирон авлодни она Ватанга муҳаббат, қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, ёшлар онгу шуурини миллий ҳаёт тарзимизга ёт қоялар таъсиридан ҳимоялаш маънавий-маърифий соҳалардаги ислохотларнинг асосий мазмун-моҳиятини ташкил этади.

Мамлакатимизда ижодкор зиёлилар, ҳаётини илм-фанга бағишлаган олимлар, маданият ва санъат намоёндалари, жонқуяр мураббийлар, спортчиларнинг машаққатли меҳнати ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, янгидан-янги зафарлар сари руҳлантириш масаласига алоҳида эътибор қаратилиши замирида ҳам айна мақсадлар мужассамдир.

Ўзбек Миллий академик драма театрида бўлиб ўтган тантанали тадбирга ёзувчи ва шоирлар, олимлар, режиссёрлар, актёрлар, мусавирлар, санъаткорлар, журналистлар, жамоатчилик вакиллари тақдирланди.

Тадбирда миллий маданият ва санъатимиз, оммавий ахборот воситалари ривожини давлатимизнинг доимий эътиборида экани алоҳида таъкидланди. Юртимизда жаҳон ан-

дозалари даражасидаги санъат саройлари, маърифат масканлари, театрлар, кўргазма заллари, болалар ижодиёти учун кўркам бинолар барпо этилаётгани, мамлакат ва халқаро миқёсда турли фестиваллар, кўрик-танловлар муваффақиятли ўтказилаётгани бунинг далилидир. «Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида бу борадаги ибратли ишлар янада кўпайди.

Президентимизнинг театрларини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, соҳа ходимлари меҳнатини қўллаб-қувватлашга қаратаётган доимий эътиборини ўз фаолиятимиз, кундалик ижодимизда ҳис этмоқдамиз, — дейди Ўзбек Миллий академик драма театри актриси, Ўзбекистон халқ артисти Муқаддас Холиқова. — Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан театримизнинг 100 йиллик тўйи кенг нишонлангани, театр биноси капитал таъмирланиб, янада кўркам қиёфа касб этгани биз — ижодкорларга улкан совға бўлди. Бу санъат аҳлини ёшлар тарбияси йўлида масъулиятни доимо ҳис этишга, янада фидойилик билан меҳнат қилишга даъват этади.

Тантанали тадбирда сўзга чиққанлар ҳалол ва фидокорона меҳнатни эъзозлаш борасида кўрсатаётган юксак эътибори учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирди.

Мукофотларни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Икромов топширди.

Бундай тантанали тадбирлар Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар, вазирилик ва идоралар, ташкилотларда бўлиб ўтди.

ЎЗА

ХАЛҚАРО КУЗАТУВЧИЛАР ЎЗБЕКИСТОНДА ЎЗ ФАОЛИЯТИНИ БОШЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлисида Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХХТ) Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросининг (ДИИХБ) кузатувчилари миссиясини рўйхатга олиш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди ва бу ҳақида қарор қабул қилинди.

Мажлисида сиёсий партиялар вакиллари, ЕХХТ ДИИХБнинг элчи Даан Эвертс раҳбарлигидаги кузатувчилари миссияси аъзолари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

ЕХХТ ДИИХБ экспертлари мамлакатимизда Марказий сайлов комиссиясининг тақлифига биноан келди. Аввал, 28–30 октябрь кунлари ЕХХТ ДИИХБнинг Эхтиёжларни баҳолаш миссияси Ўзбекистонда бўлган эди. Мазкур миссия ташрифи яқунлари бўйича 18 ноябрь кунлари ЕХХТ ДИИХБ расмий веб-сайтида ҳисобот эълон қилинди. Унда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва сайлов қонун-

чилигига ижобий ўзгариш ҳамда қўшимчалар киритилгани қайд этилиб, давлат бошқаруви ва сайлов жараёнини янада демократлаштиришга оид чоралар алоҳида таъкидланган.

Эхтиёжларни баҳолаш миссияси юқорида қайд этилган ўз ҳисоботида асосан ЕХХТ ДИИХБга сайлов жараёнини кузатиш бўйича чекланган доирадаги миссияни Ўзбекистонга жўнатиш ва унинг зиммасига қонунчилигимизга киритилган ўзгариш ҳамда қўшимчалар амалиётга қандай таътиб этилаётгани, сайловолди ташвиқоти қандай амалга оширилаётгани, сайловчиларни рўйхатга олиш ва оммавий ахборот воситаларида сайлов жараёни ёритилишини кузатиш вазифасини юқлашни тақдир этди. Унда кузатувчилар овоз бериш кунини чекланган миқдордаги сайлов участкаларида бўлиши қайд этилган.

Мажлисдан аввал Марказий сайлов комиссиясида ЕХХТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросининг элчи Даан Эвертс раҳбарлигидаги кузатувчилари миссиясининг асо-

сий гуруҳи аъзолари билан учрашув бўлиб ўтди.

Меҳмонлар 2014 йилда Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлар-

Saylov — 2014

ри сайловига тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш бўйича тадбирлар дастури ҳаётга қандай таътиб этилаётгани, шунингдек, мамлакатимиз сайлов қонунчилигига киритилган ва сайлов жараёнини янада демократлаштириш, сайловни ташкил этиш ва ўтказиш амалиётини такомиллаштиришга қаратилган янгилликлар билан таништирилди.

ЕХХТ ДИИХБ миссияси фаолиятини, унинг Ўзбекистонда сайловни кузатиш бўйича Марказий сайлов комиссияси билан ўзаро ҳамкорлигини ташкил этиш масаласи юзасидан атрафлича фикр алмашилди.

Учрашувда томонлар ЕХХТ ДИИХБ миссиясининг

фаолияти сайлов жараёни очиклиги ва ошқоралигини таъминлаш, уни халқаро стандарт ва нормаларга мувофиқ ташкил этишга кўмаклашишга ишонч билдирди.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон қонунчилигида муҳим ўзгариш ва қўшимчалар киритилди, — деди элчи Д.Эвертс журналистларга берган интервьюсида. — Ўзбекистонга ушбу янгилликлар амалда қандай қўлланилаётганини кўриш учун келдик. 21 декабрь кунини бўлиб ўтаётган парламент сайлови Ўзбекистон келажаги учун муҳим воқеадир. Марказий сайлов комиссиясида ўтказилган учрашувдан сўнг мамлакатимизда «сайловга жиддий тайёргарлик қўрилаётганига гувоҳ бўлдик. Ушбу муҳим сиёсий воқеанинг муваффақиятли ўтказилишини тилаймиз.

ЕХХТ ДИИХБ миссияси томонидан Тошкентда ўтказилган матбуот анжуманида миссия Ўзбекистонда ўз фаолиятини бошлагани эълон қилинди.

Матбуот анжуманида миссия сайлов жараёнини

Ўзбекистон қонунчилигида кўзда тутилган муддат ва тартибга мувофиқ узоқ муддатли асосда кузатиши қайд этилди. Бу партиялар ва депутатликка номзодлар сайловолди ташвиқотини қандай ўтказиётгани, оммавий ахборот воситалари сайловчиларни сайлов жараёни ҳақида қандай ҳабардор қилаётганини кузатиш ҳам ўз ичига олади.

Таъкидлаш жоизки, ЕХХТ ДИИХБдан ташқари яна тўртта халқаро ташкилот — МДХ Ижроия кўмитаси, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Ислон ҳамкорлик ташкилоти ва Бутунжаҳон сайлов органлари ассоциацияси, шунингдек, Осиё, Европа, Африка ва Американинг 35 давлати кузатувчилари сайлов жараёнини кузатишда иштирок этишга тайёрглигини билдирди. Улар орасида миллий парламентлар ва сайлов органларининг раҳбар ҳамда аъзолари, жамоат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари, шунингдек, олимлар ва сиёсатшунослар бор.

ЎЗА

Маҳаллада расмлар танлови

Янгийул туманидаги Муқимий маҳалласида «Соғлом бола йили» ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кунга бағишлаб «Буюк ва муқаддасан, мустақил Ватан!» шиори остида расмлар танлови бўлиб ўтди.

— Айни пайтда юртимизнинг барча ҳудудларида Конституция байрами кизгин нишонланмоқда, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Фания Каримова. — Ушбу танлов эса ёшларнинг бўш вақтини сермазмун ўтказиш ва кўз илғамас иқтидорларини аниқлашда муҳим восита бўлиб хизмат қилади.

Маҳалла фаоллари ва таълим соҳаси хо-

димлари бундай тadbирлар тез-тез ўтказиб турилса, ёшларнинг маънавий камолоти юксалишини таъкидлашди.

Касб-хунар коллежлари ва мактаб ўқувчиларидан иборат танлов иштирокчилари ўз ижод намуналарида Ватанимизнинг гўзал манзаралари, истиклол йилларида эришилган ютуқлар, бунёдкорлик ишларини акс эттирдилар. Хаваскор расмларнинг болаларга беғуборлик билан чизаётган расмларини кўриб меҳмонлар кўнгли завққа тўлди.

Танлов сўнггида ғолибларга фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари топширилди.

Аброр УБАЙДУЛЛАЕВ

Ҳуқуқий мавзуда учрашув

Юнусобод туманидаги 70-мактабда Бош комусимизнинг 22 йиллиги муносабати билан ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш мақсадида учрашув ташкил этилди.

Тadbирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари иштирок этиб, Конституциямизга киритилган ўзгариш ва қўшимчалар ҳақида гапириб, таълим-тарбияга оид моддаларни шарҳлаб бердилар.

— Конституциямизда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, бурчлари тўла-тўқис акс этган, — дейди туман ХТМФМТТЭ бўлими методисти Мирза Пирназаров.



— Таълим муассасаларида ўтказилаётган ҳуқуқий сабоқлар ва тadbирларда ўқувчилар Бош

комусимизни пухта ўрганиб, кўрик-танловларда фаол иштирок этишмоқда. Ушбу тadbирда ҳам «Конституция — бахтимиз пойдевори», «Президент асарларини ўрганимиз» каби танловларда фаол иштирок этган ўқувчилар тақдирланди.

Тadbир якунида Қонунчилик палатаси депутатлари ҳамда туман таълим муассасаларининг ижтимоий фанлар ўқитувчилари ва ёшлар ўртасида қизгин савол-жавоб бўлиб ўтди.

Бурхон РИЗОКУЛОВ олган сурат.

«Конституция — болалар нигоҳида»

Чилонзор туманидаги 284-мактабга таълим муассасасида ўтказилган тadbир шундай номланди. Кечада болажонларга бугунги тинч, фаровон кунларга етишишимизда Конституциямизнинг аҳамияти ҳаётий мисоллар орқали тушунтирилди.

— Инсон ўз ҳаёт-хуқуқларини қанча эрта таниса, ҳаётда қийналмайсин, — дейди боғча мудириси Раъно Фаффарова. — Яратилган кенг имкониятлардан унумли фойдала-

ниб, машғулотларда турли ўйинлар, усуллар орқали болаларга ҳақ-хуқуқларини танитиб борсак, қонунларга оғишмай риоя этувчи, ўз бурч ва масъулиятини теран англаган баркамол авлоднинг камолга етишига ҳисса қўшган бўлаемиз.

Тadbирда кичкинтойлар Бош комусимиз ва давлатимиз рамзлари ҳақида шеърлар айтиб, сахна кўринишлари намойиш этишди.

Махбуба КАРИМОВА, «Ma'rifat» мухбири

Маърифат масканида мароқли учрашув

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида «Конституция — мамлакат тараққиёти, жамият фаровонлигининг ҳуқуқий кафолати» мавзусида тadbир ўтказилди.

Ўзбекистон таълим, фан ва маданият ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши томонидан ўтказилган тadbирда профессор-ўқитувчилар, олимлар, педагоглар, талабалар ва журналистлар иштирок этди.

Тadbирда Асосий қонуни-мизнинг мазмун-моҳияти, жамият ҳаётидаги ўрни, аҳоли фаровонлигидаги аҳамияти тўғрисида сўз юритилди. Бош комусимизга киритилган ўзгариш ва қўшимчалар инсон манфаатларига

хизмат қилаётгани таъкидланди.

Миллий кутубхона бўйлаб саёҳат қатнашчиларда бир олам таассурот қолдирди. Меҳмонлар маърифат масканидаги адабиётлар билан танишиб, яратилган замонавий шaroитларга гувоҳ бўлдилар.

Соҳиба РАХМОНБЕРДИЕВА, ЎзДЖТУ талабаси

«Туркистон» саройида юртимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этиб, намуна кўрсатаётган бир гуруҳ ёшларга «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишонини тантанали топшириш маросими бўлиб ўтди.



«ЎЗБЕКИСТОН БЕЛГИСИ» — ЭЪТИБОР ВА ИШОНЧ ИФОДАСИ

«Камолот» ЁИХ томонидан илм-фан, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, санъат,

E'tirof

нинг ёрқин ифодасидир.

Бугунга қадар 409 нафар ўғил-қиз мазкур кўкрак нишони-га сазовор бўлган.

Тadbирда сўзга чиққанлар ёшлар камолоти йўлида кўрсатилаётган доимий эътибор ва ғамхўрлик учун Юртбошимизга миннатдорлик билдириб, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги йўлида астойдил хизмат қилиш муқаддас бурч эканини таъкидладилар. Энг билимдон, зукко, юқори марраларни забт этиб келаётган 28 нафар йигит-қизга тантанали равишда «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишонини топширилди.

— Қўлимдаги бу нишон нафақат юксак муқофот, балки биз ёшларга билдирилган катта ишончдир, — дейди Ўзбекистон Миллий универ-

ситети магистранти Гўзал Эргашева. — Мамлакатимизда ёшларнинг таълим олиши, касб-хунар эгаллаши учун улкан имкониятлар яратилган. Мен ҳам мана шундай шарт-шaroитлардан унумли фойдаланган ҳолда 2008 йили Зоминда, 2010 йили Дўрмонда ўтказилган ёш ижодкорлар анжуманида, 2013 йили «Тафаккур синовлари» ҳамда бу йил «Энг ёш бадий асар тарғиботчиси» республика кўрик-танловида биринчи ўринни эгалладим. Ютуқларим давлатимизнинг ёшларга қаратаётган эътибори, ота-онам ва устозларимнинг заҳматли меҳнати, тинимсиз интилиш ва излаишларим меваси, десам муболага бўлмайди.

Тadbир ёш ижрочилар ва санъат усталари иштирокидаги концерт дастури билан якунланди.

Ҳасан МЎМИНОВ, «Ma'rifat» мухбири

Б.РИЗОКУЛОВ олган сурат.

Yangiliklarda yurt nafasi



«Туркистон» саройида «Йилнинг энг фаол маънавият тарғиботчиси» республика кўрик-танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди.

Танлов Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, Республика Байналмилал маданият маркази, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси, «Ўзбектеатр» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси билан ҳамкорликда ташкил этилди. Ундан қўзланган асосий мақсад маънавий-маърифий тарғибот соҳаси мутахассислари фаолиятини атрофлича ўрганиш, таҳлил этиш, бу борадаги илғорлар иш тажрибасини оммалаштириш, ютуқ ва янгиликларни кенг жамоатчилик эътиборига ҳавола этишдан иборатдир.

Тadbирда «Йилнинг энг фаол маънавият тарғиботчиси» республика кўрик-танловининг турли йўналишлар бўйича ғолибларига совринлар топширилди.

Навоий давлат педагогика институтида «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси — мамлакат тараққиёти ва жамият фаровонлигининг ҳуқуқий кафолати» мавзусида тadbир ўтказилди.

Анжуманда Асосий қонуни-мизнинг ўзига хос хусусиятлари, Бош комусимизга киритилган ўзгариш ва қўшимчаларнинг аҳамияти хусусида сўз юритилиб, Конституциямизни чуқур ўрганиш, унинг мазмун-моҳиятини тўғри англаб етиш ҳар бир фуқаро учун зарур экани қайд этилди.

— Бугунги тadbирда ҳам ёшларимиз Конституциямизни яхши билишини яна бир бор намойиш этди, — дейди «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши масъул ходими Акмал Шакарров. — Бу таълим муассасаларида Асосий қонуни-мизни пухта ўрганиш бўйича олиб борилаётган ишлар самарасидир.

Тadbирда жорий йилнинг 21 декабрь куни бўлиб ўтадиган сайловлар, сайлов қонуни-лигининг тақомиллаштирилгани ҳақида ҳам маълумотлар берилди.

Ўзбекистон давлат консерваториясида «Созлар навоси» республика ёш мусика ижрочилари танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди.

Бу йил илк бор ўтказилаётган «Созлар навоси» танловининг дастлабки босқичида 15—30 ёшгача бўлган уч минга яқин истеъдод соҳиби иштирок этди. Унда дамли, урма-торли, камонли, урма-зарбли чолғу каби йўналишларда ғолиб деб топилган ёш истеъдодлар танловнинг турли босқичларида ўз маҳоратини синовдан ўтказди.

Танловда ёш истеъдодларнинг профессионал маҳорати, сахна маданияти, асарларининг бадий савияси, мазмунан теран ва долзарблиги ҳакамлар ҳайъати томонидан баҳоланди.

Тошкент шаҳридан Жавохир Туратов, Тоштемир Шўқруллаев, Андижон вилоятидан Салоҳиддин Аҳматиллаев, Қорақалпоғистон Республикасида Венера Бердибоева, Қорағана вилоятидан Абдуманноп Абдурахмонов турли йўналишлар бўйича биринчи ўринни қўлга киритди.

Турли номинациялар бўйича ҳам ғолиблар аниқланиб, уларга диплом ва қимматбаҳо эсдалик совғалари топширилди.

ЎЗА ва махсус мухбирларимиз материаллари асосида тайёрланди.

Bolalar orziqib kutadigan Yangi yil bayramiga ham sanoqli kunlar qoldi. O'z shukhi, oppoq qorga burkangan tabiat tarovati bilan yanada ulug'vorlik kasb etadigan ushbu bayramda bolajonlar turli o'yinchoqlar bilan bezatilgan archa atrofida she'r-qo'shiq aytib, raqsga tushib, yangi yilni o'zgacha hayajon va umid bilan qarshi olishadi.

Yangi yil shodiyonasi, ayniqsa, mustaqillik yillari yanada ko'tarinki kayfiyatda nishonlab kelinmoqda. «Prezident archasi» tadbirlarining yurtimizning barcha hududida katta ishtiyok bilan o'tkazilishi o'g'il-qizlarga bir olam zavq-shavq, shodlik ulashmoqda. Yangi yil shodiyonalarida ota-ona qaramog'idan mahrum bo'lgan bolalar va yurtimiz sarhadlarini himoya qilib, vatanimiz tinchligi yo'lida jon bergan huquq-tartibot organlari xodimlarining farzandlariga Prezident sovg'alari tarqatiladi. Bayram arafasida poytaxtimizdagi Mustaqillik maydoni, Qoraqalpog'iston Respublikasi, viloyat, tuman va shahar markazlarida archa bezatilib, uning atrofida «Ertaklar shaharchasi» bunyod etiladi.

Yangi yilni kutib olar ekanmiz, yakuniya yetib borayotgan «Sog'lom bola yili»da ta'lim sohasida yurtimizda yorqin iz qoldirilganining guvohi bo'lamiz:

- 2014-yilgi Investitsiya dasturi doirasida respublikamiz bo'yicha 381 ta maktabda keng ko'lamdagi qurilish-ta'mirlash ishlari amalga oshirilib, shulardan 220 tasi rekonstruksiya qilindi va 161 tasi kapital ta'mirlandi;

- 3024 ta umumta'lim maktabi hamda 48 ta bolalar musiqa va san'at maktabi 106,2 milliard so'mlik mebel, o'quv-laboratoriya uskunolari, kompyuter, sport anjomlari va cholg'u asboblari bilan ta'minlandi;

- yangi o'quv yili uchun 605 nomda 34,5 million nusxa darslik va o'quv-metodik qo'llanmalar chop etilib, ta'lim muassasalariga yetkazildi;

- bu yil yurtimizda 1-sinfga o'qishga qabul qilingan 587 ming o'g'il-qizga 12 nomdagi o'quv qurollaridan iborat «Prezident sovg'asi» topshirildi;

- 1-sinf o'quvchilari uchun 591 ming nusxa chet tili darsliklari qayta nashr etildi va yana shuncha nusxada 2-sinf o'quvchilarining chet tili darsliklari yangidan tayyorlanib, chop etildi;

- «Sog'lom bola yili» davlat dasturiga muvofiq, bolalarni maktab ta'limiga tayyorlash sifati va samaradorligini oshirish maqsadida ilk marotaba maktabgacha ta'limga qamrab olinmagan bolalarning ota-onalari uchun besh nomdagi — «Nutq o'stirish, o'qish va savodga tayyorlash», «Matematik tasavvurlarni shakllantirish», «Bolajon» dasturi asosida nasriy va she'riy to'plamlar, «Sog' tanda — sog'lom aql» qo'llanmalari yaratildi.

Ha, Yangi yil eshik qoqmoqda, yangi-yangi baxtlarga, ezgu tilaklarga chorlamoqda. Bugungi yoshlarimiz orasida millat sha'nini yuksaltirish, Vatan ravnaqiga munosib hissa qo'shish ishi bilan yonib yashayotganlar behisob. Zero, o'tayotgan yilimizda yoshlarimizning san'at, sport, ta'lim va boshqa sohalarida erishgan natijalari ham yoshlarimizning shijoatli, yuksal bilim va salohiyat egasi ekanligidan dalolat beradi.

Sog'lom avlodni tarbiyalash — buyuk davlat poydevorini, farovon hayot asosini qurish deganidir. Ushbu ezgu maqsadga erishish uchun

mamlakatimizda keng ko'lamli ishtar davom ettirilmoqda. Jismonan baquvvat, sog'lom bolalarni voyaga yetkazish uchun barcha zarur shart-sharoitlar yaratildi. Bu jarayonda O'zbekiston Bolalar sportini rivojlantirish jamg'armasi muhim o'rin tutmoqda.

PREZIDENT ARCHASI — SHODLIKLAR SARCHASHMASI

Bugun mamlakatimizda 2 millionga yaqin bola sportning 30 dan ziyod turi bilan muntazam shug'ullanayotir. Sport ta'lim va tarbiya jarayoni bilan chambarchas bog'liq holda rivojlantirilmoqda. O'tkazib kelinayotgan uch bosqichli noyob sport tizimi — «Umid nihollari», «Barkamol avlod» va Universiada musobaqalari buning yorqin isbotidir.

Joriy yilning sentabr oyida Janubiy Koreyaning Incheon shahrida bo'lib o'tgan XVII yozgi Osiyo o'yinlarida O'zbekiston terma jamoasi a'zolari sportning 31 turida ishtirok etib, 44 ta medal, ya'ni 9 ta oltin, 14 ta kumush 21 ta bronza medalni qo'lga kiritdi.

Ta'lim muassasalarida bayram tadbirini o'tkazish davomida farzandlarimizning ma'naviy-ma'rifiy bilimini boyitishda quyidagilarga e'tibor qaratish maqsadga muvofiq:

- joriy yilning 29-30-dekabr kunlari «Prezident archasi» tadbiriga mehribonlik uylari tarbiyalanuvchilari, ota-ona qaramog'idan mahrum bo'lgan bolalar, shuningdek, ijtimoiy himoyaga muhtoj va ko'p bolali oilalar farzandlari hamda mustaqillik yillarida Vatan sarhadlarini himoya qilish chog'ida qurbon bo'lgan Milliy xavfsizlik xizmati, Mudofaa, Ichki ishlar, Favqulodda vaziyatlar vazirliklari, Davlat bojxona qo'mitasi va Prokuratura xodimlari farzandlarini taklif etish hamda tadbir ishtirokchilariga O'zbekiston Respublikasi Prezidenti nomidan sovg'alar topshirish;

- bayram tadbirlarida pirotexnika vositalaridan foydalanishni qat'iy taqiqlash;

- joylardagi «Prezident archasi» tadbirlarini belgilangan tartibda maxsus yong'in xavfsizligi qoidalariga rioya etgan holda, ta'lim muassasasining ochiq hovlisida tashkil etish;

- ta'til kunlari o'quvchilarning qiziqishi bo'yicha fan, kasb-hunar va sport to'garak mashg'ulotlarining muntazam o'tkazilishini ta'minlash;

- joylardagi «Barkamol avlod» bolalar markazlarida faoliyat ko'rsatayotgan to'garak mashg'ulotlarini ta'til davrida maktablarda o'tkazilishini yo'lga qo'yish;

- sinflar kesimida kichik fan olimpiadasi, bilimlar bellashuvi, sport musobaqalarini o'tkazish;

- yarim yillik yakunlari bo'yicha ota-onalar va maktab jamoasining umumiy yig'ilishlarini tashkil qilish.

Barkamol avlodni tarbiyalashda muhim o'rin tutadigan milliy g'oya, vatanparvarlik, ona yurtga muhabbat va sadoqatni shakllantirishda fan oyliklari o'ziga xos ahamiyatga ega. Yanvar oyida o'tkaziladigan tarix,



davlat va huquq asoslari fani oyligi aniq reja asosida tashkil etilishi zarur. Oylilik davomida 2014-yil 15-16-may kunlari Samarqand shahrida bo'lib o'tgan «O'rta asrlar Sharq allomalari va mutafakkirlarining tarixiy merosi, uning zamonaviy sivilizatsiya rivojida roli va ahamiyati» mavzusidagi xalqaro konferensiya va Prezidentimizning ushbu nufuzli anjumandagi nutqi yuzasidan davra suhbatlari, vatanimiz tarixiga oid viktorinalar, qiziqarli uchrashuv va bahs-munozaralar tashkil etish mumkin.

2014-yil 15-dekabrda 2015-yil 14-yanvargacha qadar davom etadigan «Harbiy vatanparvarlik» oyligi doirasida ommaviy-vatanparvarlik tadbirlarini tashkil etish maqsadga muvofiq.

Qishki ta'tilni mazmunli o'tkazish uchun taxminiy tadbirlar rejası

Birinchi kun — «Yagonasan, muqaddas Vatanim, sevgi va sadoqatim senga baxshida, go'zal O'zbekistonim!» shiori ostida va harbiy vatanparvarlik oyligi doirasida.

1-4-sinflar uchun: «Biz

Tavsiya

barkamol, sog'lom avlod!» mavzusida rasmlar ko'rgazmasini tashkil etish.

5-9-sinflar uchun: «Barkamol avlod — yurt iftixori» mavzusida seminar o'tkazish.

Ikkinchi kun — «Yangi yilim — yaxshi yilim, qorday oppoq orzularim» mavzusida.

1-4-sinflar uchun: joylarda tashkil etilgan «Prezident archasi» tadbirlariga qatnashib ko'ngilli dam olishni ta'minlash.

5-9-sinflar uchun: «Yangi yildagi orzularim» mavzusida ochiq muloqot uyushtirish.

Uchinchi kun — «Tarixga nazar — kelajakka dadil qadam» mavzusida tarix, davlat va huquq asoslari fani oyligi doirasida.

1-4-sinflar uchun: Temuriylar tarixi davlat muzeyi (joylardagi tarixiy qadamjolar va muzeylar)ga o'qituvchi yoki ota-onalar hamrohligida sayohatlar uyushtirish.

5-9-sinflar uchun: Amaliy san'at muzeyi, Alisher Navoiy nomidagi adabiyot muzeyi (joylarda tarixiy inshootlar va ziyoratgohlar) hamda uy muzeylariga sinf rahbari boshchiligidagi ekskursiya tashkil etish.

To'rtinchi kun — «Sport — salomatlik garovi» mavzusida.

1-4-sinflar uchun: «Quvnoq startlar» va «Maydonda sinashamiz» musobaqalarini o'tkazish.

5-9-sinflar uchun: «Sog' tanda — sog'lom aql» mavzusida sinflararo bellashuvlarni tashkil etish.

Beshinchi kun — «Ma'naviyatli yoshlar — yurt iftixori» mavzusida.

1-4-sinflar uchun: «Yurtimiz kelajagi yoshlar qo'lida» mavzusida ijodiy uchrashuv uyushtirish.

5-9-sinflar uchun: «Vatanim taqdiriga mas'ullik hissi» mavzusida bahs-munozara o'tkazish.

Oltinchi kun — «Kitobim — oftobim» shiori ostida.

1-4-sinflar uchun: maktab yoki boshqa bolalar kutubxonasida ertak va hikoyalar mutolaasini tashkil etish.

5-9-sinflar uchun: badiiy adabiyot va she'riyat kuni o'tkazish.

Yettinchi kun — «Sayohatga chiqish» kuni.

1-4-sinflar uchun: tabiat qo'yniga sayr qilish, qush va boshqa hayvonlarga in qurish.

5-9-sinflar uchun: o'quvchilarning qiziqishiga qarab kasb-hunar kollejlari va akademik litseylarga sayohatlar uyushtirish.

Sakkizinchi kun — «Yangi yilga — yangi orzular bilan» shiori ostida.

1-4-sinflar uchun: joylarda uyushtirilgan bayram tadbirlariga qatnashib, ko'ngilli dam olishini tashkil etish.

5-9-sinflar uchun: «Yangi yildagi rejalarni» mavzusida o'zaro fikr-mulohaza almashish tadbirini o'tkazish.

To'qqizinchi kun — «Eng yaxshi ta'til kunim» mavzusida.

1-4-sinflar uchun: diktant yoki matn yozish hamda ularning taqdimotini o'tkazish.

5-9-sinflar uchun: insho, bayon va hikoya yozish.

Respublika ta'lim markazi

ВАТАНИМГА ХИЗМАТ ҚИЛАМАН!

бу муқаддас бурчни ҳис этсин уйғоқ юраклар...

Мактабга боргандим. Катта қизим югуриб ёнимга келди-да:

— Ойи, мен бутун Ватанимга хизмат қилдим, — деди.

Хайрон бўлиб бир қизимга, бир унинг ортидан келатган устозига қарадим.

Устози жимайганча:

— Қизингиз бутун учта фандан тўғри жавоб бериб, аъло баҳолар олди. Аъло баҳо олган ўқувчи эса Ватанига хизмат қилган бўлади, — деди.

Бутун одобнома дарсида Ватан мавзусида шу ҳақида сўзлашилди. Қизим дарсдан олган таассуротларини тўққиланиб гапираркан, унинг сўзлари қалбимга бир олам қувонч бағишлади гўё. У йўл-йўлакай синфда яна кимлар беш олгани, кимлар бутун Ватанига хизмат қилганини ҳаяжон билан айтди.

— Эртага дарсларимни тайёрлаб борсам, янада яхшироқ жавоб берсам, тўртта беш олсам, Ватанимга яна хизмат қилган бўламан-а, — деди. Кейин бирдан тўхтаб: "Ойи, сиз ҳам бутун Ватанингизга хизмат қилдингизми?" дея сўради.

Унинг бу саволи мени бироз шошириб қўйди. Нима деб жавоб беришга хайронман. Ўйлаб қолдим. Қизим айтганидек, бутун Ватаним учун нима қилдим? Эртага-чи? Эртага нима қиламан. Саккиз ёшда қизим ҳатто эртанги кунги хизматини ҳам режалаштириб бўлган. Мен-чи? Бутун нималарга улгурдим-у, нималарга улгурмадим. Шулар ҳақида бироз ўйга толаман. Қизимни етаклаб кетарканман, атрофга назар ташлайман. Қизим савол беришдан тўхтамайди.

— Ойи, мендан бошқа яна кимлар Ватанига хизмат қилади?

Унинг саволларига бирма-бир жавоб беришни бошлайман.

— Болажоним, шу юртда яшаётган ҳар ким ўз хизмати билан Ватан рагнақиға хисса қўшади.

— Бу нима дегани? — қизим мўлтираб боқади менга.

Йўлимизда учраган савдо дўконига кириб, ул-бул харид қиламиз. Дўкон эга-

си ёнимизга келиб, яна нима кераклигини сўрайди, агар ёрдам зарур бўлса, бажонида кўмаклашишини билдиради. У шу тариқа бир неча кишига ёрдамлашади. Қизимга қараб бу ҳам Ватанга хизмат эканини шипшитиб қўяман.

Дўкондан чиқиб, нон иси анқиган томонга юрамыз. Новвойни оқ кийимда, бошига рўмол ўраган ҳолда кўрамыз. У тандирга бир неча бор бошини суқиб, иссиқ нонларни узиб олади-да, саватга жойлайди. Нон хиди атрофини тутайди, димокларга хуш ёқади. Новвой бизга боқаркан, қизимга ёшган кулчалардан узатади. Эл-улус дастурхонини иссиқ нон билан тўлдириш ҳам Ватанга хизмат эканини таъкидлайман.

Шу топда шошиб кетаётган қўшнимни кўриб ҳолаҳвол сўрашамиз. У боласини мазаси бўлмаётганини, шифохонга олиб кетаётганини айтиди. Қизимга қараб аҳоли саломатлиги учун жон куйдираётган шифокорларнинг хизматини ҳам бирма-бир санайман. Бу ҳам Ва-



мумкин, — дейман.

Уйимизга яқинлашганимизда фаррош аёлнинг кўчаларни саришталаб, суғуриб қўяётганини кўрамыз. Шунда қизим қўлимдан тортқилаб холанинг иши ҳақида сўрайди. Унга ҳар кунги кўчаларни чиннидек суғуриб, тозалаб қўйиш ҳам Ватан ободлиги учунлигини айтаман. Поклик бор жойда кут-барака бўлишини, кут-барака бор жойдан эса тўқин-сочинлик аримаслигини, тўқинлик бор юртда доим тинчлик ва фаровонлик бўлишини айтаман.

— Мактабимиздаги фар-

синга лойиқ. Аммо шундай вазиятлар ҳам борки, таъбингни хира қилмай иложи йўқ. Уйимиз биқинидаги бир неча ўспирин йигитларга кўзим тушади. Улар нимадир қилишмоқда. Назаримда, катталардан берки-тиб сигарета тутатиб кўришяпти. Болааларнинг ёнгинасида майда-чуйда сотадиган бепарво аёл. У тинмай писта қақади. Унинг учун бу ҳолат аҳамиятсиз. Ўтган-кетган аёлларга гап ташлаб, турмуш ташвишларидан нолайди. Орамизда шундай лоқайд инсонларнинг борлиги ачинарли, албатта. Улар учун атрофда содир этилаётган ишлар аҳамиятсиздек... Агар шу аёл болаларни тартибга чақириб қўйса, назаримда, улар бу ишдан воз кечадилар... Чуқур хўрсиниб, қизимга қарайман. У эртанги дарсларини ҳозирлашга киришибди. Чунки эртага ҳам аъло баҳо олмақчи-да. Аъло баҳо олиш Ватанга хизмат қилиш билан баробарлигини тушуниб етди.

Ватанпарварликни боланинг муррак қалбига жо этган устозлар хизматига ҳар қанча таҳсин айтсак кам. Ўқувчиси қалбида Ватанини севишдек ҳиссиётни уйрота олган муаллимга тасанно. Бутун Ватанга хизмат қилиш ҳисси билан яшаган бола эртага, албатта, ўз касбини, интилиши ва билими билан юрт рагнақиға хисса қўша олади. Юртини севган инсон онасини севади, севаги-муҳаббат жўш урган қалбларга ғаразгўйлик инкура олмайд. Атрофимизда Ватанини севгувчилар кўпаяверсин. Уларнинг сафи қанча кенг бўлса, юртимиз шунча гуллаб-яшнайд.

Агар ҳар бир юртдошимиз ўзига "Мен бутун Ватанимга нима хизмат қилдим?" дея савол билан мурожаат этса ва бунга виждонан жавоб бера олса, ўйлайманки, Ватанимиз янада тараққий этади.

Қизим дарсларини тайёрлаб бўлгач, кеч тушишини кута бошлади. Эшик қоқиб, ҳориб кириб келган дадасининг бўйнига осилганча: "Дадажон, бутун сиз ҳам Ватанингизга хизмат қилдингизми?" дея сўради...

Феруза ХОЛМУРОВА,
"Ma'rifat" мухбири

Метронинг Олмазор бекатига тушиб кетар эканман, ҳайдовчилар қуриовидаси икки чет элик сайёҳ эътиборини тортди. Улар ниманидир муҳокама қилишарди, назаримда. Гап нимадалигини билиш учун изимга қайтдим. Ҳайдовчилар сайёҳлар билан Билдирсойга олиб бориш нархнини келишолмаётган экан. Мактабни таъмомлаганимга ўн йил ўтган, университетда хорижий тил сифатида корейсчани ўрганган бўлсам ҳам, инглиз тили анча-мунча ёдимда экан. Ҳарқалай, Билдирсойга метронинг Буюк ипак йўли бекатидан бориш қулай ва арзон тушишини меҳмонларга тушунтирдим. Менинг манзилим ҳам ўша томон-ғалиги, хоҳлашса, уларни Билдирсойга борадиган бекатга кузатиб қўйишим мумкинлигини айтдим. Мўмаиғина даромад истасидаси ҳайдовчилар аввалига мақсадимни пайқашмади, бироқ туристлар юкларини аста-секин орқалаб, менга эргашганини кўриб эътироз билдира бошлашди. Нима бўлганда ҳам, хорижликлар ўзлари учун мақбул йўлни танлашди.

БЕИЗ КЕТМАГАН САБОҚ


Метрода улар билан яхши-лаб танишдим. 25—30 ёшлардаги қизнинг исми Лизи бўлиб, қадимий осори-атиқаларни кўриш, ўрганиш мақсадида Австралиядан келибди. У ҳамроҳи француз йигити билан Хивада учрашиб қолди. Самарқанд, Бухорони биргаликда айланиб, энди эса фусункор Билдирсойга йўл олиш ниятида эканлар. Олмазордан Буюк ипак йўлига 25—30 дақиқалик йўл. Лизи юртимизнинг қадимий, навқирон шаҳарлари, қалъаю мадрасалари, меҳмондўст, очикқўнғил ва самимий инсонлари ҳақида шу қисқа вақт ичида тўлқинланиб сўзлаб берди. Ўзбекистон ёққанини унинг юз-кўзидан, ҳайратидан ҳам сезиш мумкин эди. Йўл-йўлакай ижтимоий тармоқдаги манзилларимизни алмашдик.

Улар Билдирсойга борадиган таксига ўтираркан, илиқ хайрлашдик.

Орадан бир муддат ўтиб фейсбукда Лизининг Ўзбекистон ҳақидаги илиқ таассуротларини ўртоқларига ҳам илганини, ўтмишимиз акс этган суратлар жойлаштириганини кўриб қолдим. Унинг тенгдошлари ҳам ижобий муносабатда эди.

Мен эса ўн йил муқаддам мактабдаги инглиз тили устозимиз Абдурашул Абдуназаровнинг куйиб-пишиб берган сабоқлари беиз кетмаганидан, қолаверса, у кишидан олган билимларим хорижликлар қалбига ўзбекларга бўлган самимий ва илиқ муносабатларни жо қилишда асосатганидан мамнун эдим.

Санжар РУСТАМОВ



тан рагнақиға хисса эканини айтаман. Уйимиз ёнида жойлашган болалар боғчасидан тарбиячи опанинг овози эшитилади. У жажжи болақайларни ёнига ўтказиб табиат сирларини тушутираётганини кўрамыз. Шунда яна қизимга қараб:

— Кўрдингми, боғча опа ҳам болажонларга тарбия бериб ўз Ватанига хизмат қилмоқда. Унинг ўғитини тинглаб улғаяётган болақайлар эртага учувчи, муаллим, рассом, мусиқачи, ёзувчи ё шифокор бўлиб етишиши

рош опа ҳам ҳар кунги Ватанга хизмат қилар экан-да, — дейди қизим.

— Ҳа, сизларнинг тоза-озода синфхоналарда таълим олишингиз учун у ҳам ўз ҳиссасини қўшаёпти.

Ватанимизнинг тинч ва осуда бўлишида яна бир касб эгалари — ҳарбийларнинг ўрни бекиёслигини ҳам айтиб ўтаман. Улар кечаю кундуз сарҳадларимиз хавфсизлигини таъминлашга шайлигини, шу сабаб ҳар тоғни осудаликда қарши олишимизни қизалоғимнинг қўлоғига қўяман.

Ўйга киргач, дастурхон тузаймиз. Турли мева-чева-ларни тортиқ эта туриб, боғларимизда гарқ пишган бу ноз-неъматларнинг дастурхонимизга етиб келишида, далаларимизни тўлдирган буғдой ва пахталарнинг униб-ўсишида заҳматкаш бободоҳқоннинг қадоқ қўллари ва пешона тери билан қилган меҳнати мужасамлигини сўзлайман.

...Дераза оша кўчага боқаман. Ҳар ким ўз юмуши билан банд. Ватан рагнақи йўлида тер тўкмоқда. Бу таҳ-



Gurung

Муҳаммад АВФИЙ

ҲУНАР ШАРОФАТИ

Мусулмон кишига уч кундан ортиқ ўз биродаридан аразлаб, гина сақлаб, гаплашмай — сўрашмай юриши мумкин эмасдир. Улардан қайси бири биринчи бўлиб саломлашса, ўшаниси яхшироғидир.

Donish chirog'i

Мунофиқнинг урта белгиси бўлур: гапирса ёлгон гапираси, ваъдасига вафо қилмайди ва омонатга хиёнат қилади.

Бир киши Пайгамбардан:
— Исломда қайси иш афзалроқ?
— деб сўрайди.
— Очларга таом, танишу нота-нишларга салом бериш, — деб жавоб берибди у.

— Мусулмон киши садақа қилиб турши керак, — дер экан Пайгамбар. Шунда ундан сўрашибди:

— Золим биродарингга ҳам, мазлум биродарингга ҳам ёрдам қил. Шунда у кишидан сўрадилар: — Мазлумга ёрдам бериш масаласи тушунарли, аммо золимга ёрдам беришни қандай тушуномқ керак? — Расулulloҳ жавоб берди: — Золимини зулм қилишдан қайтаришинг ҳам унга қилган ёрдаминг бўлади.

Оллоҳ нафратига энг лойиқ киши

ИШОНЧЛИ ҲАДИСЛАР

— Садақа қилишга нарсаси топа олма-са-чи?

— Меҳнат қилса, меҳнатидан топади: ундан ўзи ҳам ейди, садақа ҳам қилади.

— Буни ҳам қила олма-са-чи?

— Унда ҳоҳатмандлар ҳоҳатларини раво қилади.

— Унга ҳам ярамаса-чи?

— У ҳолда одамларни яхшиликка даъват қилсин. Борди-ю унга ҳам ярамидиган бўлса, лоақал ёмон ишлардан сақланиб юрсин — бу ҳам садақа ўрнига ўтаверади.

Кимки фаровон ҳаёт кечирай ва дунёда яхши ном қолдирай деса, қариндош-уруғларига меҳрибон бўлсин, уларнинг ахлоидан доимо бохабар бўлиб турсин.

Пайгамбардан:
— Исломда қайси амал афзал ҳисобланади, — деб сўрашибди. Шунда у киши:

— Тилидан ҳам, қўлидан ҳам бошқаларга зарари етмайдиган амал барча амалларнинг афзалидир, — деб жавоб берибди.

Тангри таоло яратган бандасининг ўзи бир хилқат, сир-синоат, муъжиза. Шунинг учун ҳам ҳаётнинг иссиғияга, совуғияга чидаймиз, яшаганимиз сайин ҳаётимиз қизиқарли бўлиб бораверади ва яна яшаганимиз келади. Юз йил умр қўриб ҳам кўзи очик кетадиганлар қанча!

Инсоннинг ноёблиги, имкониятларининг мўллиги шу қадаври, ҳатто ўлимга ҳам чап бера олади. Гапим қуруқ бўлмаслиги учун ривоят келтираман.

Айтишларича, суйган бир қулининг қазоси яқинлашиб, унинг жонини олишга Азроил алайҳиссалом юборилбди. Шундай бўлишни кутиб шип-га термулиб ётган Оллоҳнинг қароли юрагининг тўрида асраб юрган дуони ўқибди. Жон олоққа келган Азроил дуони эшитган захоти таққа тўхтабди. Унга яқинлашмабди, ортига қайтишга мажбур бўлибди. Бир неча маротаба ўз вазифасини бажаролмабди, лекин бу ҳолни ошкор етмабди ҳам. Орадан анча вақт ўтказиб, яна ўша муслимнинг олдига келибди. Бу гал ҳам фақир фўқаро Оллоҳнинг қалимасини ёд айтибди. Азроил яна қуруқ қайтибди. Ахйир ҳеч нарсаси қилолмаган, Яратганнинг ҳузурига бориб арз қилибди:

— Фалончи банданнинг умри тугаганди, омонатга борсам, сенинг хос дуоларингни

одамлар билан ўта хусумат ва адо-ватда бўлгувчи кишидир.

Оллоҳ наздида энг яхши дўст деб одамларга доимо хайрли ишларни қилиб юрвчи кишига айтади. Оллоҳ наздида энг яхши қўшни ўз қўшниси-га яхшилик қилувчиси-дир.

Одамларга шукр айтмайдиган киши Оллоҳга ҳам шукр қилмайди.

— Одамларга хайрихоҳлигинг, бу — сенинг садақанг. Хайрли ва яхши ишлар қилишга даъват этишинг ва зулмдан қайтаришинг — сенинг садақанг. Адашган кишиларга тўғри йўл кўрсатишинг ҳам — садақа. Хатто камбағалларга хушмуомалада бўлишинг ҳам — сенинг садақанг. Ерда ҳалақат бериб ётган бирор тош, тиканак ёки суякни бир чеккага олиб қўйишинг ҳам садақа. Ўз пақирингдан сўдан бошқаларнинг идишларига солиб беришинг ҳам сенинг садақанг ҳисобланади.

Икки нарсаси борки, кўпчилик уларнинг қадрига етмайди: бири — соғлиқ, иккинчиси — бўш вақт.

ўқиб мени четлатди, жонини ололмадим.

— Менинг шунақа бандаларим ҳам бор-да! — дебди Тангри.

Ҳа, Оллоҳнинг ифтихор қилдиган бандалари бор. Эл оғзида юрган одамлар ҳам унинг суйган бандаларидир. Не тонгики, полвонлар ҳам бундан мустасно эмас. Ўшнинг Новакати

қадимдан полвонлар макони. Қўли бўшаган одам борки, бе-кор турмайди. Рўпара келганни чақириб, ке, силташамиз, деб туради. Айниқса, ёш-яланги силташга кўп чақиршади. Шу боисми, Новакати жанжал-тўпо-лондан йироқ, кучини қаерга сарфлашни билмаганларнинг бари кураш билан банд. Улар полвонларнинг бўй-баст-лариниям, оғир-енгилиниям су-риштиришмайди. Аслидаям шу, полвон ўз имкониятидан бир қадар катта юмушни бажарса полвон-да! Ўзи тенгиларни йи-қитиб, полвонман дегани нима-си?!

Одамлари курашга муҳаббат қўйган Новакати ўттинчи йил-ларда нотаниш бир полвон ке-либди. Ўзиям полвонмисан полвон экан. Новакатиликни битта-битта йиқитаверибди. Кеч кириб одамлар хомуш тар-

қалибдилар. Ёт полвон новак-тиларнинг курагини ерга тек-кизишга теккизиб қўйиб жуда мулзам тортибди, хатто қаерда тунашни ҳам билмабди. Бир камбағалроқ одамнинг дарво-засини тақиллатиб, жой сўраб-ди. Уй эгаси ёши ўтиб қолган мўйсафид экан. Меҳмонни ич-карига таклиб қилиб, олдига дастурхон солиб кутиб олибди.

САҲИЙЛИК



Кечки овқатдан кейин меҳмон: «Бир гап айтсам...», деб қолиб-ди.

— Айтинг...
— Ҳеч кимга лом-мим де-майси-ми?
— Демайман.

— Эртага менга рақиб қол-маганда сиз чиқасиз!
— Мен-а?

— Ҳа, сиз. Унамаганимга қўймай мажбурлаб курашасиз.

— Кучим етмайди-ку?
— Ҳозир ўзим ўргатаман, лекин зинҳор-базинҳор икко-вимизнинг келишиганимизни биров билмасин.

Меҳмон мезбонга ўзини

қандай тутиши-ю, қандай кўта-риб уришигача кўрсатиб, кели-шиб олибди.

Эртасига одам йиғилиб, ку-раш бошланибди. Меҳмон яна анча талабгорни йиқитибди. Охири юрак ютиб биров чиқол-май қолибди. Полвон майдон-нинг ўртасига қордана қурган-миш, баковул овози борича ба-қирармиш:

— Полвонга чиқадиган одам борми-йўқми?

Шу пайт одамлар орасидан кечаги мўйсафид ўрнидан ту-риб дебди:

— Полвонга мен чиқаман!

Ҳамма «ярқ» этиб мўйсафид-га қарабди. Майдонда ўтирган полвон эътироз билдирибди:

— Ёши ўтиб қолган одам билан курашмайман, товонига қолиб юрмай тагин.

Мўйсафид ҳам бўш келмаб-ди:

Аммо начора, бундан бошқа ҳеч бир ҳислат ва ҳунарни билмас-ди. У темирчилар олдига борди ва темирчилик ҳунаридан хабардор эканини айтди. Темирчилар уни ўзларига ёрдамчи қилиб олдилар. У ҳар куни ўз тирикчилигига етар-ли даражада пул ишларди. То ўз ватанига қайтгунича муҳтожликни кўрмади.

Гуштосп Кустантиядан ўз ва-танига қайтгач, подшоҳлик тахти-га ўтирди. Шундан сўнг у барча зодагонларнинг фарзандлари бирор касб-ҳунарни ўрганмоғи мажбурийдир, деб фармон чиқар-ди. Бинобарин, Ажамда бу расм аънаанага айланиб қолди. Гарчи касб-ҳунардан келадиган даро-мадга эҳтиёжи бўлмаса-да, бироқ касб-ҳунари бўлмаган зодагон йўқ эди.

НАСИҲАТ

Бир куни амир Алининг олдига бир мўйсафид келиб: «Ё амир, қариб қолдим, кун ўтказиш машаққатли бўлиб қолди. Тирикчиликдан ҳеч бир роҳат тополмаяпман. Менга панду насиҳат қилсанг, шояд сенинг насиҳа-тинг туфайли Худойи таоло менинг ишларимни яхши йўлга бошласа», деди.

Амир Али мўйсафидга хитоб қилди: «Э шайх, агар эсда тутувчи бўлсанг, икки нарсани эсдан чиқар: халқ учун қилган яхшиликнинг, би-ров сенга қилган ёмонлиқни».

«Мардлик ва одамийлик ҳақида бирор сўз айтгин», деди мўйсафид.

«Одамиилик улдирки, миннат юкига бардош беролса, мардлик улди-рки, қўлидан келадиган ишни ўзгача дариг тутмаса», деди.

«Ё амир, — деди мўйсафид, — ҳамма вақт мўмин ва мусулмон бўлмоқ-лик ҳақида бирор сўз десанг...».

«Киши айбини қидирмаслик мусулмонлиқдир. Ёмон сўзларни гапир-маслик мўминликдир. Агар билсанг, барча яхши ахлоқни ушбу жумла-ларда баён қилдим. Ушбу айтган сўзларимни ёдингга тутиб, шунга амал қилсанг, шубҳасиз, яхши ахлоқ эгаси бўласан», деди амир.

— Полвон бўлсанг ўзингга, бировни камситма, олдин ку-раш, енгиб, кейин гапир!

Баковул ҳам новакатиликнинг тарафини олибди:

— Тўғри айтаяпти, олдин курашинг, йиқитганингизни кўрайлик.

Томошабинлар баковулни қўллашибди.

Полвон «хоҳлар-хоҳламас» рози бўлибди. Ҳамманинг қўзи уларда эмиш. Салгина сунъий ҳаракат бутун режани бузади. Полвон мўйсафидни аямай у ёққа, бу ёққа отиб, йиқитолма-ган бўлиб, ишқибозларни роса ишонтирибди. Аста келишилган усулга тушиб берибди. Мўйса-фид бундан фойдаланиб, айла-насига урибди. Оламни ҳайқи-риб тутибди, мўйсафидни кўтар-кўтар қилиб юборишди. Новак-атнинг шаънини ҳимоя қилган «полвон»га бор пулларини тут-қазибди. Камбағал мўйсафид шу бахона бойиб кетибди. Но-таниш полвон эса одамлар мўйсафид билан овора бўлиб ту-ришганда гойиб бўлибди.

Унинг қимлигини, қаердан-лигини ҳозиргача ҳеч ким бил-мас экан.

(Турсун
Али Мухаммаднинг
«Полвоннома» китобидан.)

Саҳифани
Маҳмуд САҲИЙ
тайёрлади.



Спорт жисмоний гўзалликдир. У ҳамиша соғломлик, тетиклик, ғайрат ва шижоат, тиниқ тафаккур манбаи ҳисобланади. Ёш авлодни ҳар томонлама баркамол қилиб тарбиялашда спортнинг ўрни беқиёс. Шу боис ҳам мамлакатимизда бу соҳа ривожига давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилиб, «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ҳамда Универсиада спорт ўйинлари тизими йўлга қўйилган. Айни пайтда умумтаълим мактабларида «Умид ниҳоллари» спорт мусобақаларининг мактаблараро ҳудудий босқичлари бўлиб ўтмоқда. Бухоро вилоятида ҳам бу жараён қизгин давом этаётди. Вилоят халқ таълими бошқармаси буйруғига биноан, мавжуд 533 та мактабда қўйи босқич беллашувларини намунали тарзда ташкил этиш учун зарур шарт-шароитлар яратилган. Барча мактабларнинг спорт заллари ва майдончалари тайёр ҳолга келтирилиб, замонавий спорт жиҳозлари билан таъминланди.

ЎҚУВЧИНИНГ РУҲИЙ ТАЙЁРГАРЛИГИ

ўртоқлик учрашувларида мустаҳкамлаб борилмоқда

Когон шаҳридаги 9-мактаб спортчи-ўқувчилари ҳар йили «Умид ниҳоллари» мусобақаларининг вилоят, республика босқичларида муваффақиятли иштирок этиб келади. Ўтган «Умид ниҳоллари» мусобақаларининг шаҳар босқичида футбол, баскетбол, волейбол ва енгил атлетика жамоалари биринчи, кўл түпи, шахмат, стол теннис жамоалари эса иккинчи ўринни қўлга киритган эди. 7-синф ўқувчилари Руслан Қудратов ва Шаҳзод Музаффаров таэквондонинг WTF йўналишида республика босқичида голибликка эришди. Мактаб футбол жамоасининг тўрт нафар аъзоси — Тимур Саидов, Лазиз Ҳабибов, Жасур Насуллаев ҳамда Лазиз Аҳмедов вилоят терма жамоаси таркибига мусобақанинг республика босқичида вилоят шарафини муносиб ҳимоя қилди.

— Мактабимизда 900га яқин ўқувчи таълим олади. Уларни спортга кенг жалб этиш мақсадида дарсдан сўнг спорт тўғрисида фаолияти йўлга қўйилган, — дейди мактаб директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Мавлуда Очилова. — Айни пайтда волейбол, баскетбол, стол теннис, шахмат-шашка, кураш тўғрисида 200 дан зиёд ўқувчини қамраб олган. 300 нафар ўқувчи эса мактабимиз ҳудудига яқин жойлашган спорт мажмуаларига қатнайдилар. Айтиш жоизки, «Умид ниҳоллари» мусобақала-

ри ўқувчиларимизнинг спортга бўлган қизиқишларини янада оширишда муҳим аҳамият қасб этмоқда.

Жорий йилда мактабнинг уч нафар жисмоний тарбия ўқитувчиси раҳбарлигида ўқувчилар мусобақага қизгин ҳозирлик кўрди. Мактаб босқичида деярли барча ўқувчилар иштироки таъминланди.

— Мавжуд имкониятлардан келиб чиққан ҳолда 5—9-синфлар орасида футбол, стол теннис, енгил атлетика, шахмат, волейбол, баскетбол, кўл түпи бўйича беллашувлар ўтказилди, — дейди жисмоний тарбия фани ўқитувчиси Нигина Тимурова. — 5—7-синфлар кесимида ўтган мусобақаларда 5-«Б», 7-«А» ва 7-«Б» синф ўқувчилари пешқадамлик қилган бўлса, 8—9-синфлар орасида 8-«Б», 9-«Д», 9-«Б» синф ўқувчилари фаоллик кўрсатишди. Синфлараро бошланғич мусобақаларда голибликни қўлга киритган жамоалар таркибидан саралаш йўли билан энг иқтидорли, маҳоратли ёш спортчилар танлаб олинди, 16та жамоа шакллантирилди. Айни пайтда шаҳар босқичига ҳозирлик ишлари қизгин бошлаб юборилган. Бу жараёнда шаҳардаги «Орзу» болалар спорт мажмуаси ва 6-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби, Когон педагогика коллежи жамоаси бизга яқиндан ёрдам бераётган. Мазкур даргоҳларда фаолият кўрсатаётган тажрибали спорт мураббийларининг тавсиялари ва

маслаҳатлари асосида тайёргарлик машғулотларини олиб бораёмиз. Шаҳардаги спорт тўғрисидаги намунали ташкил этилган мактаблар билан ҳам яқин ҳамкорликни йўлга қўйганмиз. Масалан, 7-мактабда волейбол, 10-мактабда баскетбол ривожланган. Бу мактаблар билан тез-тез ўртоқлик учрашувлари ўтказиб тураемиз. Натижада ўқувчиларимизнинг тажриба ва маҳорати ошиб, голибликка бўлган иштироки мустаҳкамланмоқда.

Спорт мусобақаларида эришилган ютуқлар нafaqat спортчининг жисмоний, balki руҳий тайёргарлигига ҳам боғлиқ. Мактабнинг тажрибали жисмоний тарбия ўқитувчиси Дилбар Жўраева бу ҳусусда амалга оширилаётган ишлар ҳақида ҳам тўхталиб ўтди.

— Шундай ўқувчиларимиз борки, жисмонан етук, билаклари бақувват, эңчил, чаққон, маҳоратли. Аммо улар ўз маҳоратини маълум доирадагина намойиш эта олади. Бегона муҳитда эса тамоман ўзларини йўқотиб қўйишади. Бу уларнинг мусобақага руҳан тайёр эмаслигини кўрсатади. Психологик муаммоларни мунтазам равишда ўртоқлик учрашувлари ўтказиш орқали бартараф этиб бораемиз. Бундай учрашувларда ўқувчи ҳаяжонни енгиш, ўзини эркин тутиш кўникмаларини егаллашди.

Ирода ОРИПОВА,
«Ma'rifat» мухбири

СИНДОРОВЛАРНИНГ ҒАЛАБАСИ

Бразилиянинг Жуис ди Форасида шахмат бўйича мактаб ўқувчилари ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида Жаҳоҳир ва Исломбек Синдоров яна бир бор ўз маҳоратини намойиш этиб, олтин ва бронза медал билан юртимизга қайтадиган бўлди.

Ўнинчи бор ўтказилаётган мактаб ўқувчилари ўртасидаги жаҳон чемпионати олти ёш тоифасида (7, 9, 11, 13, 15, 17 ёшлилар) ўтказилиб, 30 га яқин мамлакатнинг ёш шахматчилари иштирок этди.

Мусобақанинг тўққиз ёшгача бўлган ўғил болалар ўртасидаги баҳсларида Жаҳоҳир Синдоров Бразилия, Англия, Туркия, Колумбия, Перу ва қозғистонлик шахматчилар билан мағлубиятсиз баҳс юритиб, 8,5 очко тўплаган ҳолда



олтин медални қўлга киритди.

Исломбек Синдоров эса етти ёшгача бўлган болалар ўртасида бронза медалга сазовор бўлди. Эътиборлиси, Исломбек олтин медални қўлга киритган хиндистонлик Шаҳ Дев ва қумуш медал соҳиби Очирбат Лхагважамтс (Монголия) билан бир хил 7,5 очко тўплади. Фақатгина қўшимча кўрсаткичлар бўйича учинчи ўринга лойиқ топилди.

Шер АЛИ

3-dekabr — Xalqaro nogironlar kuni

МУНОСИБ ЎРИНБОСАРЛАР КАШФ ЭТИЛАДИ

Пойтахтимиздаги махсус мактаб-интернатлар ўқувчилари ўртасида «Кувнок стартлар» дастуридан ўрин олган спорт ўйинлари, шунингдек, шашка ва армистреллинг бўйича мусобақалар ташкил этилди.

Спорт тадбирлари Тошкент шаҳар маданият ва спорт ишлари бош бошқармаси, «Камолот» ЁИХ, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, Ўзбекистон миллий паралимпия ассоциацияси ҳамкорлигида кўтаринки руҳда ўтказилди.

— Мазкур мусобақаларни ўтказишдан мақсад «Соғлом бола йили» давлат дастури ижросини таъминлаш, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламни қўллаб-қувватлаш, имконияти чекланган ўқувчи-ёшларни спортга оммавий жалб этиш, соғлом турмуш тарзини шакллантиришдан иборат, — деди Тошкент шаҳар мада-

ният ва спорт ишлари бош бошқармаси бошлиги ўринбосари Хусан Насруллаев. — Меҳру эътиборга илҳақ ўғил-қизларнинг жисмонан бақувват, соғлом бўлиб ўсиши, чинқиши, иродаси тоблиши, табиийлиги, жамиятда ўз ўрнини топишга ёрдамлашади. Юрагининг туб-тубида эртанги кунга ишонч пайдо бўлади. Орзулари сари дадил қадам ташлашни, доим олға интилиб яшашни ўрганади. Қолаверса, айнан мазкур ўқувчилар орасидан сараланган спортчилар паралимпия терма жамоалари ёки ўринбосарлари таркибини ташкил этади.

Ҳаяжонга бой тарзда ўтган баҳсларда махсус мактаб-интернатларнинг 600га яқин тарбияланувчиси ўзаро куч синашди. Яқунда голиб ва совриндор жамоаларга эсдалик совгалари ҳамда дипломлар топширилди.

МУСОБАҚА ДАВОМ ЭТМОҚДА

Мексикада давом этаётган футбол бўйича ампутантлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида ҳамюртларимиз муваффақиятли қатнашмоқда.

«А» гуруҳидан ўрин олган Ўзбекистон ампутантлар терма жамоаси сўнгги турда бразилиялик футболчиларни 3:0 ҳисобида доғда қолдирди ва қавартидаги барча ўйинларда ғалаба қозongan ҳолда 1-ўринни егаллади. Мавзурхўжа Умархўжаев шогирдлари аввалги икки учрашувда Украина термасини 10:0, ирландияликларни 6:1 ҳисобида мағлуб этганди. Нимчорак финалда Францияни ҳам доғда қолдирган ампутант футболчиларимиз чорак финалга йўл олди.

Ҳабарингиз бор, Ўзбекистон ампутант футболчилари шу кунга қадар уч мартаба дунёда тенгсиз терма жамоа эканини исботлаган ва Мексикага амалдаги жаҳон чемпиони сифатида йўл олган. Ушбу мусобақа 8 декабрь кuni якунланади.

З.ХОЛОВ

ЁНҒИН ХАВФСИЗЛИГИГА ҲИССА ҚЎШИНГ!

Мактаб — келажак авлод камол топадиган маскан. Юрт ворисларининг тинчлик ва хотиржамликда таълим олишини таъминлашда ёнғин хавфсизлиги ҳодимларининг ҳам катта ҳиссаси бор.

Тошкент шаҳар ИИББ ЁХБ меъёрий-техник экспертиза бўлими ҳодимлари Яққасарой туманидаги 5-болалар мусиқа ва санъат мактаби биносининг капитал таъмирлини жараёнида қурувчи усталар билан бирга ёнғин хавфсизлиги билан боғлиқ юмушларни бажарди. Таъмирлаш жараёнида ёнғин хавфсизлиги меъёри ва қоидаларига риоя этилиши таъминлаш бўйича қатор ишлар олиб борилиб, бинога энг замонавий ёнғинни автоматик равишда сезиш ва одамларга хабар бериш қурилмалари, фавқулодда вазият юз берган вақтда ўқувчиларни хавфсиз жойга олиб чиқиш учун махсус эвакуация чизмалари ўрна-тилди. Шунингдек, ёнғин вақтида биринчи ёрдам ишларини бажариш учун бирламчи ёнғин ўчириш воситалар билан таъминланди.

Равшан ОРИПОВ,
Имрзохид НОСИРОВ,
Тошкент шаҳар ИИББ ЁХБ
МТЭБ муҳандислари

Ҳаётда гувоҳ бўлаётганимиз ҳодисалар ўз-ўзидан содир бўлмайди. Зеро, оқибатлар сабаблар ҳосиласидир. Айниқса, нохуш ҳолатлар ҳақида гап кетганда, уларнинг гоҳида эҳтиётсизлик, баъзида лоқайдлик, айрим вазиятларда эса бартараф этиш имкон-сиз бўлган сабаблар туфайли вужудга кели-лини таъкидлаш лозим.

Ўлкамизда қиш кириб келиши билан ай-рим фуқароларнинг хавфсизлик қоидаларини унутган ҳолда хонадонини қўлбола, гоҳида носоз воситалар билан иситишга ҳара-кат қилаётгани, оқибатда эса бутун мол-мул-ки, яқинларини хатарга қўяётганига гувоҳ бўламиз. Ёнғиннинг катта ёки кичиги бўлмайди. Лоқайдликка йўл қўйилган тақ-дирда яхши-ёмонни, жонли-жонсизни аж-

ратиб ўтирмайди, йўлида учраган нарса бор-ки, ўз қомига тортаверади.

Шундай экан, яна бир бор сиз, азиз фуқароларни қиш мавсумида огоҳ ва ҳушёр, эътиборлироқ бўлишга чақирамиз. Юртимиз-да ёнғин хавфсизлигини таъминлаш бораси-да олиб борилаётган кенг қўламли чора-тад-бирларда фаол иштирок этишингизни, бунинг учун ўзингиз яшаётган, меҳнат қилаётган жойларда ёнғин келиб чиқишининг олдини олишга ҳисса қўишингизни сўраймиз.

Т. ИСМОИЛОВ,
12-ХҲО 23-ХҲХ катта инспектори,
Е. ЖҲАБЕКОВ,
12-ХҲО 24-ХҲХ кичик инспектори,
Ғ.РИЗАЕВ,
12-ХҲО кичик инспектори

ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ САМАРАЛАРИ



Самарқанд вилояти Булунгур тумани Булунгурариқ маҳалласида 2014-2015 ўқув йили бошида қуриб фойдаланишга топширилган 63-умумий ўрта таълим мактабида 220 нафар ўқувчи сабоқ олмоқда.

Ўқиш ва ўқитиш замонавий таълим андозалари асосида ташкил этилган бўлиб, ўқувчиларнинг bilim olishi, sport bilan shug'ullanishi, to'garaklarda mahoratini oshirishi uchun barcha sharoit yaratilgan. Daralar ўқuv-laboratoriya jihozlari, kompyuter texnologiyalaridan keng foydalaniilgan holda olib boriladi.



ЎЗА фотомухбири Алишер ИСРОИЛОВ олган суратлар.

• реклама • эълон • реклама • эълон • реклама • эълон • реклама • эълон • реклама • эълон • реклама • эълон

MUHTARAM JURNALXONLARI!

SEVIMLI JURNALINGIZ MAZMUNAN
VA HAJMAN YANADA BOYIDI!!!

Pedagog, o'quvchilar, ilmiy tadqiqotchilarga qulaylik yaratish maqsadida «Til va adabiyot ta'limi» hamda «Преподавание языка и литературы» jurnallari 2015-yil yanvar oyidan birlashtirilmogda.

O'zbek, rus, ingliz, fransuz, nemis va boshqa xorijiy tillardagi til va adabiyot ta'limini o'qitish metodikasi, ilg'or tajriba hamda ilmiy tadqiqotlarga doir dolzarb materiallarni o'z ichiga qamrab olgan «Til va adabiyot ta'limi» — «Преподавание языка и литературы» — «Language and literature teaching» jurnali 80 bet hajmda, har oyda, yiliga 12ta son chop etiladi.



E'tiborlisi, jurnal sahifalari ta'lim sohasida yuz berayotgan yangiliklar, Siz aziz pedagoglarning taklif va ehtiyojlaringizga mos ravishda innovatsion, zamonaviy pedagogik texnologiyalar, o'qitishning interfaol usullariga doir dolzarb materiallar hamda yetuk olim va yosh tadqiqotchilarning fandagi eng so'nggi yangiliklarga doir izlanishlari bilan yanada boyiydi.

Manzil: Toshkent shahar, Navoiy ko'chasi, 30-uy.
E-mail: til@sarkor.uz. Web-site: www.tilvaadabiyot.uz
Tel.: 8(371)244-04-18, 244-04-15

SEVIMLI JURNALINGIZGA OBUNA BO'LISHGA SHOSHILING!



G'AZAL
Meni men istagan o'z suhbatiga arjumanid etmas,
Meni istar kashinang suhbatin ko'nglum pisand etmas.
Ne bahra topogamen andin, mendin istagay bahra,
Chu ukim, bahrayi andin ilarmen bahramand etmas.



Obuna indeksi 872

Xizmatlar litsenziyalangan.

Ma'rifat

TA'SIS
ETUVCHILAR:

O'zbekiston Xalq ta'limi vazirligi,
O'zbekiston Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi, O'zbekiston Ta'lim, fan va madaniyat xodimlari kasaba uyushmasi Respublika kengashi.

Bosh muharrir Abdusamat RAHIMOV

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida
2006-yil 22-dekabrda 0067-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Indeks: 149, 150. T-1224. Tiraj 38969.
Hajmi 4 bosma taboq. Ofset usulida bosilgan,
qog'oz bichimi A-3. Bahosi sotuvda erkin narxda.

TELEFONLAR:

qabuxona — 233-50-55;
kotibiyat — 233-99-15;
reklama va marketing bo'limi —
233-42-92(faks), 236-54-17.

ISSN 2010-6416



«Ma'rifat» dan materiallarni ko'chirib bosish tahririyat ruxsati bilan amalga oshirilishi shart.

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqiriz qilinmaydi va muallifga qaytarilmaydi.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

O'ZA yakuni — 22.45 Topshirildi — 01.15

MANZILIMIZ:
100083, Toshkent shahri,
Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.
Web-site: www.marifat.uz

Dizaynerlar:
Liliya BINASHEVA, Malohat TOSHOVA.
Nabvatchi muharrir:
Ilhom JO'RAYEV.
Nabvatchi:
Bobomurod XUDOYBERDIYEV.

1 3 4 5